

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**Абдуллаева Гавхар Сапаровна**

# **МАХСУС ВА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМДА АКТНИНГ ЎРНИ**

**МОНОГРАФИЯ**



**“Mahalla va Oila” нашриёти  
Тошкент – 2022**

**КБК: 74.5**

**A 15**

**УЎК: 376:654**

**ISBN 978-9943-7730-0-4**

Абдуллаева, Гавхар Сапаровна

Махсус ва инклюзив таълимда АКТнинг ўрни [Матн]:  
монография / Г.С. Абдуллаева. – Тошкент: Mahalla va Oila, 2022. –  
180 б.

**Тақризчилар:**

**Ф.У. Қодирова** – Тошкент вилояти ЧДПИ “Махсус педагогика” кафедраси мудири, п.ф.д., профессор.

**З.Н. Мамаражабова** – Низомий номидаги ТДПУ “Сурдопедагогика ва инклюзив таълим” кафедраси мудири, п.ф.д., профессор.

Ушбу монография Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика  
институти Илмий Кенгашининг томонидан 2021 йил 20 декабрь  
5-сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

© Абдуллаева Г.С.

© “Mahalla va Oila” нашриёти, 2022.

## МУНДАРИЖА

|                                                                                                                                              |           |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>Кириш.....</b>                                                                                                                            | <b>5</b>  |
| <b>I. МАХСУС ТАЪЛИМДА АХБОРОТ<br/>ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ<br/>КОРРЕКЦИОН-ТАЪЛИМИЙ ИМКОНИАТЛАРИ.....</b>                                  | <b>7</b>  |
| I.1. Махсус ва инклюзив таълимда ахборот<br>технологияларнинг мақсади вазифалари ва тамойиллари.....                                         | 7         |
| I.2. Имконияти чекланган болалар учун коррекцион-<br>ривожлантирувчи дарсларини ташкил этиш бўйича гигиеник<br>стандартлар ва тавсиялар..... | 14        |
| I.3. Махсус таълимда ахборот технологияларни<br>қўллашнинг асосий жиҳатлари.....                                                             | 26        |
| <b>II. МАХСУС ТАЪЛИМДА АХБОРОТ<br/>ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АСОСИЙ<br/>ЖИҲАТЛАРИ.....</b>                                                 | <b>29</b> |
| II.1. Имконияти чекланган болаларни ривожлантириш ва<br>ижтимоийлаштиришда компьютердан фойдаланиш.....                                      | 29        |
| 2.2. Имконияти чекланган болаларни ўқитишда махсус<br>техник воситаларни қўллаш.....                                                         | 43        |
| 2.3. Имконияти чекланган болалар учун электрон дарсликлар                                                                                    | 54        |
| 2.4. Имконияти чекланган болаларни коррекцион ўқитишда<br>Интернет тармоғидан фойдаланиш.....                                                | 62        |
| 2.5. Имконияти чекланган болаларни масофавий ўқитиш<br>инфратузилмасини яратишнинг асосий тамойиллари,<br>усуллари ва босқичлари.....        | 66        |
| 2.6. Масофавий ўқитишда коммуникацияларнинг турлари.....                                                                                     | 74        |
| 2.7. Махсус таълимда масофавий ўқитиш технологиясини<br>танлаш омиллари .....                                                                | 80        |
| <b>III. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН<br/>ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРАЛАДИГАН<br/>КОРРЕКЦИОН-ПЕДАГОГИК ИШ МАЗМУНИ.....</b>                     | <b>84</b> |
| 3.1. Тифлопедагогикада ахборот технологияларини қўллаш...                                                                                    | 84        |
| 3.2. Сурдопедагогикада ахборот технологияларини қўллаш...                                                                                    | 93        |
| 3.3. Олигофренопедагогикада ахборот технологиялари.....                                                                                      | 100       |
| 3.4. Таянч-ҳаракат аппаратидаги бузилиши бўлган<br>болаларни ўқитишда ахборот технологияларини қўллаш.....                                   | 110       |
| Таянч-ҳаракат аппаратидаги бузилиш: тушунча, таснифлаш,<br>даражалари.....                                                                   | 110       |

|                                                                                                                                                                   |            |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|
| 3.5. Таянч-ҳаракат аппаратидаги бузилиши бўлган шахсларни ўқитиш муассасаларида болалар билан ишлаш жараёнида АКТдан фойдаланиш.....                              | 111        |
| 3.6. Аутизм синдромли болалар (АСБ) бўлган одамларни ўқитишда ахборот технологиялари.....                                                                         | 120        |
| 3.7. Логопедияда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш тамойиллари, мақсади, вазифалари ва ташкилий жиҳатлари.....                                    | 133        |
| 3.8. Нутқида нуқсони бўлган болаларни ривожлантириш тизимини назорат қилиш, баҳолаш ва мониторинг қилишда ахборот ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш... | 139        |
| 3.9. Нутқ бузилишларини бартараф этишга қаратилган тузатиш ишлари самарадорлигини ошириш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш.....                           | 143        |
| <b>Атама ва тушунчалар қисқа луғати.....</b>                                                                                                                      | <b>169</b> |
| <b>Адабиётлар.....</b>                                                                                                                                            | <b>172</b> |
| <b>Илова.....</b>                                                                                                                                                 | <b>175</b> |

## КИРИШ

Замонавий жамиятни ахборотлаштириш ахборот ва телекоммуникация технологияларининг кенг тарқалиши билан тавсифланади.

Ўқув курси мазмунини тизимлаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар танланган: ахборотлаштиришнинг моҳияти, мақсади ва хусусиятлари, ахборотлаштиришнинг техник воситалари ва технологиялари, ахборотлаштириш усуллари, ахборот муҳити ва ахборот маконини шакллантириш асослари, тингловчиларнинг касбий фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланишга тайёригини шакллантириш масалалари.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда барча тоифадаги фуқаролар учун ахборотнинг очиқлиги ва ушбу ахборотни олишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ахборот жамиятини ривожлантириш стратегияси амалга оширилмоқда. Шу сабабли, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш таълимнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳар бир жамиятда имконияти чекланган болаларни ўқитишнинг анъаналари ва илмий асосланган ёндашувларини ўз ичига олган махсус таълим майдони мавжуд. Ривожланишдаги қолоқлик боланинг жамиятдан "ажралиб қолишига" олиб келади. Ногиронлиги мавжуд бўлган шахсларнинг ижтимоий изоляцияланиши, аввало, жамият бундай болаларни қабул қилиши қийинлиги билан боғлиқ. Буни ўқув жараёнида махсус усул ва методлардан фойдаланишни кўзда тутадиган махсус ташкил этилган таълим ёрдамида бартараф этиш мумкин.

Давлат раҳбарининг 2020 йил 13 октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4860-сонли қарори мамлакатимиз таълим тизимида жаҳон стандартлари асосида ислоҳатларнинг мақсадли ҳамда манзилли олиб борилишини долзарб масала сифатида кўндаланг қўйди.

Махсус таълимнинг маҳаллий тизимини мақсадли ва уюшган компютерлаштириш Ғарб мамлакатларига қараганда анча кеч йўлга қўйилмоқда. Ахборот технологияларидан фойдаланиш Ғарб тажрибаси таъсири остида бошланди.

Замонавий махсус педагогика фанида имконияти чекланган шахсларни ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш борасида етарлича изланишлар амалга оширилмаган. Шунингдек, таълим тизимини ахборотлаштириш ўқитувчига янги талаблар

қўяди. Ўқитувчининг коммуникатив компетенцияси турли форматдаги мулоқотни ўрнатиш қобилиятини кўзда тутди: оғзаки, ёзма, мунозара, визуал, компьютер, электрон. Ўқитувчи нафақат компьютер ва замонавий мултимедиа ускуналарида фойдалана олиши, балки ўз таълим ресурсларини шакллантириши, улардан ўз фаолиятида кенг фойдаланиши керак.

# **I. МАХСУС ТАЪЛИМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ КОРРЕКЦИОН-ТАЪЛИМИЙ ИМКОНИАТЛАРИ**

## **1.1. Махсус таълимда ахборот технологияларини қўллашнинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари**

Сўнгги йилларда махсус таълимда ахборот технологиялари ва телекоммуникациялардан жадал фойдаланиш натижасида «Ахборот ва коммуникация технологиялари» ибораси кенг қўлланилмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) - ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, тарқатиш, намойиш қилиш ва ундан фойдаланувчилар манфаатлари йўлида фойдаланиш мақсадида бирлаштирилган усуллар, ишлаб чиқариш жараёнлари ва дастурий -техник воситалар мажмуи.

Коммуникация сўзини “ахборот узатиш” маъносида қўллайдиган бўлсак, коммуникация технологиялари ахборот технологияларининг бир қисми ҳисобланади. Масофавий ва очик таълимда ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги асосий таърифларга мавжуд ёндашувларни таҳлил қилиш, биз замонавий техник воситаларга (компьютерлар ва компьютер тармоқлари) асосланган, шу жумладан мулоқотнинг анъанавий воситаларини (почта, нутқ ва оммавий ахборот воситалари – телевидение, радио, матбуот ва б.) ўз ичига олувчи турли хил технологиялардан фойдаланишнинг хилма-хил жиҳатларини қамраб оладиган атама бу ахборот ва коммуникация технологиялари ибораси бўлиб, у кенг маънода ахборот билан ишлашнинг тизимли усуллари, воситалари ва операциялари йиғиндисини англатади.

Аксарият педагогик тадқиқотлар йўналишларининг фундаментал-амалий табиати фанлараро муаммолар доирасига шўнғишга мажбур қилади. Улардан бири - замонавий ўқув воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш. Ҳозирги вақтда бу муаммони ҳал қилишнинг долзарб жиҳати ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган замонавий ўқув материаллари мажмуаси – электрон таълим ресурсларини (ЭТР) ни яратишдир.

Бир томондан, жадал ривожланиб бораётган ИТ-технологиялар ва таълим соҳасининг бир-бирига уйғунлашиб бориши педагогик таълим инструментларини "янгилаш", уни боланинг идрок этиш

хусусиятлари ва таълимнинг замонавий фикрловчи битирувчиларни тайёрлаш учун ижтимоий буюртмасига мослаштириш имконини беради. Бошқа томондан, ИТ-технологияларнинг кенг техник ва ижодий имкониятлари таълим эҳтиёжлари ностандарт ечимларни талаб қилувчи болалар учун ўқув воситаларини ишлаб чиқиш муаммоларини самарали ҳал этиш имконини беради. Бир неча йиллар давомида миллий илм-фанда таълимни ахборотлаштириш соҳаси, шу жумладан, махсус таълим эҳтиёжлари борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда<sup>1</sup>. Коррекцион-ривожланиш муаммоларини ҳал қилиш учун ИТ-технологияларининг ноёб имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги масалалари кўтарилмоқда, имконияти чекланган болалар билан ишлашда ЭТРни ишлаб чиқиш ва қўллаш йўллари ишлаб чиқилмоқда, турли тоифага кирувчи болалар учун ЭТР яратилмоқда (И.В. Больших, Е.Л. Гончарова, З.М. Кордун, Т.К. Королевская, О.И. Кукушкина С.В. Кудрина, Л.Р. Лизунова, З.А. Репина ва бошқалар). Махсус таълимда компьютердан фойдаланишнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- имконияти чекланган болаларнинг манипулятив ва қидирув фаолиятига мойиллигига таянган ҳолда, уларда мотивацияни ошириш;
- анъанавий шароитда бола тасаввур қила олмайдиган объектларни моделлаштириш;
- ақлий ва амалий ҳаракатларни чиниқтириш учун самарали шарт -шароитлар яратиш;
- ўқув жараёнини қўшимча воситалар, таянчлар ва бошқалар билан таъминлаш.

Ҳар қандай илмий муаммо сингари, ЭТРни ишлаб чиқиш ғояси ҳам зарур шартларни таҳлил қилишни талаб этади. Кейинги ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайдиган тизимли шартлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- имконияти чекланган болаларни ўқитиш тизимидаги ўзгаришлар;
- етакчи фаолият тури – таълим беришнинг хусусиятлари;
- ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлашнинг хусусиятлари;
- имконияти чекланган болалар дунёси тасвирининг ўзига хослиги;
- ИТ технологияларининг ривожланиш даражаси.

---

<sup>1</sup> Цель, задачи и принципы применения информационных технологий в специальном образовании.

Таълим соҳасига замонавий ахборот технологияларининг кириб келиши ўқитувчиларга имконияти чекланган болаларни ўқитишнинг мазмуни, усуллари ва ташкилий шакллари сифат жиҳатдан ўзгартириш имконини беради. Ушбу технологияларнинг таълимдаги мақсади - ахборот жамиятида ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятларини ошириш, шунингдек, таълим жараёнини инсонпарварлаштириш, индивидуаллаштириш, жадаллаштириш ва таълим тизимининг ҳар бир босқичида таълим сифатини оширишдан иборат. И.В. Роберт замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг қуйидаги асосий педагогик мақсадларини белгилайди:

1) замонавий ахборот технологияларини қўллаш натижасида таълим-тарбия жараёнининг барча босқичларини фаоллаштириш; таълим жараёнининг самараси ва сифатини ошириш; мазмунди фаолиятни ошириш; фанлараро алоқаларни чуқурлаштириш; зарурий маълумотни қидириш ҳажмини ошириш ва оптималлаштириш.

2) Ўқувчининг шахсиятини ривожлантириш, индивидни ахборот жамияти шароитида қулай ҳаётга тайёрлаш: фикрлаш турларини ривожлантириш; мулоқот қобилиятини ривожлантириш; мураккаб вазиятда оптимал қарор қабул қилиш ёки ечим таклиф қилиш кўникмаларини шакллантириш; компьютер графикаси, мултимедиа технологияларидан фойдаланган ҳолда эстетик тарбия бериш; ахборот маданиятини шакллантириш, ахборотни қайта ишлаш қобилияти; вазифа ёки вазиятни моделлаштириш кўникмаларини ривожлантириш; экспериментал тадқиқот фаолиятини олиб бориш кўникмаларини шакллантириш.

3) жамиятнинг ижтимоий буюртмасини бажариш: саводли шахсни тайёрлаш; компьютер воситалари фойдаланувчиларини тайёрлаш; информатика соҳасида касбга йўналтириш ишларини амалга ошириш<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Роберт И.В., Панюкова С.В., Кузнецов А.А., Кравцова А.Ю. Информационные и коммуникационные технологии в образовании. — М., 2008.

Махсус таълим жараёнига АКТни жорий этишда коррекцион вазифаларни танлашга муайян талаблар қўйилади (схема 7).

**Махсус таълим жараёнига АКТни жорий этишда  
коррекцион вазифаларни танлашга  
қўйиладиган талаблар**

Компютер технологияларидан фойдаланмаган ҳолда коррекцион муаммоларни ҳал қилиш қийин ёки деярли имконсиздир.

Қисқа вақт ичида зарурий коррекцион ва тарбиявий натижага эришиш.

Боланинг ўқишга юқори мотивацион тайёргарлигини ривожлантириш. Нутқ ва тил воситаларининг айна ҳолатига, шунингдек, унинг яқин ривожланиш зонасига мос келадиган вазифаларнинг мураккаблик даражасини танлаган ҳолда коррекцион жараёни индивидуаллаштириш имконияти.

Махсус таълим учун мўлжалланган компютер технологияларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар бузилишларни тузатишнинг илмий асосланган усулларига асосланган бўлиб, болалар ривожланишининг умумий қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади.

Компютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳар бир дарс мураккаб, яъни боланинг индивидуал имкониятлари ва таълим эҳтиёжларини қондирадиган анъанавий ва компютерга асосланган коррекцион-таълимий воситаларининг оптимал комбинациясидир.

Махсус таълимда ахборот технологияларини қўллашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш;

2) фаол ўқитиш усулларида фойдаланиш, ўқув фаолиятининг ижодий ва интеллектуал таркибий қисмларини ошириш;

3) ҳар хил турдаги таълим фаолияти (ўқув, тадқиқот ва бошқалар) интеграцияси;

4) ўқитишнинг ахборот технологияларини имконияти чекланган боланинг индивидуал хусусиятларига мослаштириш;

5) ўқитишнинг талабанинг когнитив фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам берувчи ва касбий фаолиятда самарали

фойдаланиш учун информатика воситалари ва усуллари ўзлаштиришга бўлган мотивацияни оширувчи янги ахборот технологияларини ишлаб чиқиш;

6) кадрлар тайёрлашда узлуксизлик ва изчилликни таъминлаш;

7) масофавий таълим учун ахборот технологияларини ишлаб чиқиш;

8) ўқув жараёнининг дастурий ва услубий таъминотини такомиллаштириш;

9) турли соҳалардаги мутахассисларни махсус касбий тайёрлаш жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш.

Махсус таълим тизимини ахборотлаштиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлажак мутахассиснинг ахборот маданиятини шакллантириш бўлиб, унинг шаклланганлик даражаси қуйидагилар билан белгиланади:

биринчидан, ахборот, ахборот жараёнлари, моделлар ва технологиялар ҳақидаги билимлар;

иккинчидан, турли фаолиятда ахборотни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш воситалари ва усулларида фойдаланиш кўникма ва малакалари;

учинчидан, касбий (таълим) фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш қобилияти;

тўртинчидан, очиқ ахборот тизими сифатида атроф-муҳит тўғрисидаги дунёқарашга эга бўлиш.

Махсус таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш бир қатор тамойилларга асосланади.

***Имконияти чекланган болаларни максимал даражада ривожлантириш ва иккиламчи бузилишларни тuzатиш тамойили***

Масалан, "Ойна ортидаги дунё" ихтисослаштирилган компьютер дастури катта мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги эшитиш ва нутқ қобилиятида бузилишлари мавжуд, ақли заиф болаларни ўқитишнинг умумий ривожланиш муаммоларини ҳал қилиш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин<sup>3</sup>. Шунингдек, "Кўринадиган нутқ" компьютер дастури - бу сурдопедагог ва логопедларга талаффузи бузилган болаларнинг нутқ ҳақида қўшимча визуал маълумотларга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларга реал ва

---

<sup>3</sup> Кукушкина О.И. Применение информационных технологий в специальном образовании // Специальное образование: состояние, перспективы развития. Тематическое приложение к журналу «Вестник образования». — 2003. — № 3.

кечиктирилган вақтда ўзларининг нутқ фаолиятини таҳлил қилиш учун визуал ёрдам бериш имконини берадиган технологиядир.

***Болаларни синф шароитида ўқитишни юқори сифатли индивидуаллаштириш имконияти***

Масалан, "Рақам таркиби" компьютер дастури махсус таълимга эҳтиёжи бўлган катта мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларда асосий математик тушунчаларни шакллантириш жараёнини сифатли индивидуаллаштириш воситасидир.

Ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган янги таълим воситалари ривожланишда ортда қолган болалар учун зарур бўлган мазмунли фаолият объектларини тушунарли белгилар шаклларида моделлаштириш, уларнинг хусусиятлари ва нисбатлари билан тажриба ўтказиш, ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги тўғридан-тўғри идрок этиш имкони бўлмаган боғлиқликни аниқлаш ва қонуниятларни яратиш бўйича самарали фаолиятни таъминлашга имкон беради<sup>4</sup>.

Ривожланишда нуқсонлари бўлган болаларни ўқитишда асосий эътибор болалар ривожланишининг умумий қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларини, махсус таълимни куриш мантиғини ва махсус дидактиканинг асосий тамойилларини ҳисобга олган ҳолда таълимнинг ихтисослаштирилган ахборот технологияларига қаратилади. Ихтисослашган ахборот технологияларидан фойдаланиш боланинг ёшига боғлиқ қизиқишлари, ривожланиш даражаси ва босқичма-босқич ўқув вазифаларига жавоб берадиган турли мазмунли фаолиятни амалга ошириш воситаси сифатида компьютерни ўзлаштиришнинг шартидир<sup>5</sup>.

Ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мўлжалланмаган компьютер дастурлари, болаларнинг умумий ва махсус таълим эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, таълим жараёнида улардан фойдаланишнинг махсус усуллари ишлаб чиқилган такдирдагина махсус таълимда қўлланилиши мумкин.

Ушбу қоиданинг амалдаги тадбиқига эшитишда нуқсони бўлган болалар нутқининг ёзма шаклини ривожлантириш учун махсус бўлмаган, уларни компьютерда мавжуд матнларни яратиш ва таҳрирлаш кўникмаларига ўргатишнинг махсус методикаси

---

<sup>4</sup> Кукушкина О.И. Применение информационных технологий в специальном образовании // Специальное образование: состояние, перспективы развития. Тематическое приложение к журналу «Вестник образования». — 2003. — № 3.

<sup>5</sup> Ўша манба

асосидаги “Матн муҳаррири” компьютер дастуридан фойдаланиш мисол бўла олади.

Замонавий ахборот технологияларининг ногиронлиги бўлган болаларнинг таълим жараёнига катта таъсирини ҳисобга олган ҳолда, кўплаб ўқитувчилар уларни ўзларининг услубий тизимларига киритмоқдалар. Бироқ, мактаб таълимини ахборотлаштириш жараёни муайян ислоҳот натижасида бир зумда содир бўлмайди, у босқичма-босқич ва узлуксиздир. Таълимни ахборотлаштириш жараёни бир неча босқичлардан ўтади.

1-босқич қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- янги ахборот технологияларини, биринчи навбатда, компьютерларни оммавий жорий этиш;
- компьютер техникасини педагоглар томонидан ўзлаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади ва ундан ўқув жараёнини фаоллаштиришда фойдаланиш йўллари изланади;
- жамият ахборот жараёнларининг моҳияти ва зарурлигини англаш йўлидан боради;
- информатика бўйича асосий тайёргарлик узлуксиз таълимнинг барча босқичларида амалга оширилади;

2-босқич қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- янги ахборот технологиялари воситаларини фаол ўрганиш ва анъанавий ўқув фанларига қисман жорий этиш;
- ўқитувчилар томонидан компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлашнинг янги усуллари ва ташкилий шакллари ўзлаштириш;
- фаол ишлаб чиқариш ва ўқитувчилар томонидан ўқув-услубий таъминотни ўзлаштиришнинг бошланиши;
- ўқув-тарбиявий ишларнинг мазмуни, анъанавий шакллари ва усуллари қайта кўриб чиқиш муаммосини кўтари;

3-босқич қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- кадрлар тайёрлашда замонавий ахборот технологиялари воситаларидан кенг фойдаланиш;
- узлуксиз таълимнинг барча босқичлари мазмунини уни ахборотлаштириш асосида қайта қуриш;
- ўқитишнинг услубий асосларини ўзгартириш ва ҳар бир ўқитувчи томонидан замонавий ахборот технологияларининг тегишли воситалари билан таъминланган кенг кўламли ўқитиш усуллари ва ташкилий шакллари ишлаб чиқиш.

## **1.2. Имконияти чекланган болалар учун коррекцион- ривожлантирувчи дарсларини ташкил этиш бўйича гигиеник стандартлар ва тавсиялар**

Ҳозирга қадар профессионал фойдаланувчилар орасида ҳам, компьютер ишлаб чиқарувчилари ҳам, вақти-вақти билан уларга дуч келадиган одамлар орасида ҳам компьютердан фойдаланиш зарарлими ёки йўқми, агар шундай бўлса, у инсон танаси учун қанчалик зарарли эканлиги ҳақида умумий фикр йўқ. Бунини, бир томондан, оммавий ахборот воситаларида (рус ва хорижий) чоп этиладиган компьютер жуда хавфли (айниқса, оператор аёллар дунёга келтирадиган болалар учун) эканлиги ҳақидаги мақолалар ҳам тасдиқлайди. Бошқа томондан, ихтисослаштирилган компьютер журналлари ва газеталарида ушбу мавзу бўйича материаллар деярли йўқ. Шу билан бирга, ўз маҳсулотларини соғлиқ учун хавфсиз воситага айлантириш сиёсатини олиб борувчи янги аппарат, дастурий таъминот ва тармоқ воситаларини ишлаб чиқарувчи компьютер компаниялари томонидан ҳам компьютер хавфи тўғрисидаги ҳисоботлар эълон қилинмайди.

Компьютердан фойдаланишнинг салбий жиҳатларига қуйидагилар киради:

1) Компьютер монитори қуйидагиларнинг манбаи ҳисобланади:

- электростатик майдон;
- паст частотали, ўта паст частотали ва юқори частотали диапазонлардаги (2 Гц - 400 Гц) заиф электромагнит нурланиш;
- рентген нурланиши;
- ултрабинафша нурланиши;
- инфрақизил нурланиш;
- кўринадиган диапазон нурланиши.

2) компьютер фойдаланувчисининг, аниқса, операторнинг узок вақт давомида дисплей экранига қадалган ҳолда ҳаракатсиз, таранг ҳолатда ўтириши умуртқа поғонаси, бўйин, елка бўғимларида чарчоқ ва оғриқларга олиб келади.

3) клавиатура билан ишлаш натижасида тирсак суяклари, елка, билак ва бармоқларда оғриқ пайдо бўлади.

4) компьютер билан ишлаш, аввало мониторда акс этган маълумотни визуал қабул қилишни назарда тутаяди. Шундай экан, энг катта юк кўриш апарати зиммасига тушади.

Кўриш қобилиятига энг кўп таъсир қиладиган омиллар қуйидагилардан иборат:

Монитор экранида тасвирни яратиш усуллари нинг номукамаллиги. Бу омиллар гуруҳига қуйидагилар киради:

— электрон-нурли трубкани очиш схемаларининг нооптимал параметрлари;

— монитор ва график адаптер параметрларининг мос келмаслиги;

— мониторнинг аниқлик даражасининг етарли эмаслиги, қайта фокусланиш, нурларнинг кесишмаслиги ва бошқа техник кўрсаткичларнинг пастлиги;

— тасвирнинг ҳаддан ташқари ёрқинлиги ёки ёрқинликнинг етарли эмаслиги.

Иш жойининг яхши ташкил қилинмаслиги:

— экраннинг юз панелида доғлар бўлиши;

— иш жойининг етарлича ёритилмаганлиги;

— кўз ва экран орасидаги масофага риоя қилмаслик.

5) компьютерда ишлаш акустик шовқин, жумладан, ултратовуш билан бирга боради.

Бунда оғриқ ҳисси даражаси компьютерда ишлаш вақтига пропорционал эканлиги аниқланган.

Фойдаланувчилар ўртасида компьютер стресси синдроми (КСС) аниқланган.

1) Жисмоний ҳолсизликлар:

- уйқучанлик, чарчоқ, давомли чарчоқ (ҳордикдан кейин ҳам); ишдан кейинги бош оғриғи; кўз соҳасида бош оғриғи (кўз оғриғи);
- қош тепаси ва пешона соҳасидаги оғриқ;
- бошнинг энса, ён, ва теменной қисмларидаги оғриқ; белнинг пастки қисмидаги, бедро қисмида, оёқ оғриғи;
- жимирлаш, увушиш, қўл, билак ва бармоқлардаги оғриқ; тананинг юқори қисмидаги (бўйин, бел, елка, қўллар) мушаклардаги таранглик.

Узоқ вақт бир ҳолатда ўтириш натижасида баъзи компьютер операторларида мушакларнинг кучсизланиши, умуртқа поғонаси шаклининг ўзгариши (узоқ статик босим синдроми) юзага келади. Бу эса ўта оғир ҳолатларда меҳнатга лайоқатсизликка олиб келиши мумкин.

## 2) Кўз касалликлари:

- тез чарчаш, кучли оғриқ ҳисси, ачишиш, қичишиш, кўз ёшланиши, кўзнинг тез-тез пирпираши, кўздаги қиринди ҳисси.
- визуал қабул қилишнинг бузилиши: компьютерда ишлагандан сўнг узоқ масофага қарашда кўзнинг хиралашиши (кўзнинг «парда» билан қопланиши); яқин масофада кўришнинг хиралашиши (экрандаги тасвирнинг тиниқ кўринмаслиги); кўзнинг хиралашиши кун давомида кучаяди; тасвирнинг иккита бўлиб кўриниши; кўзойнакнинг ўтмаслашиши (кўзойнакни алмаштириш зарурарти);
- бош оғриғи;
- диққатни ўзгартишнинг секинлашиши;
- ғилайлик.

Кунига етти ёки ундан кўп соат давомида экрандаги маълумотлар билан ишлайдиган одамлар, иши компьютер билан боғлиқ бўлмаган одамларга қараганда астинопия ва кўз яллиғланиши касалликларига кўпроқ чалинади. Шунингдек, аниқланишича, профессионал операторлар орасида глаукома ва катаракта касалликларига чалиниш ҳолатлари кўпроқ кузатилган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, бундай операторлар ҳар 6-9 ойда кўзойнакларини янада каттароқ кўрсаткичлисига алмаштиришга мажбур бўладилар.

3) Диққат ва ишлаш қобилиятининг пасайиши (кўп ҳолларда визуал бузилишлар натижасида):

- Диққатни жамлаш қийинлашади (узоқ вақт мобайнида диққатни бир жойга қарата олмаслик);
- иш пайтида ва ундан кейинги асабийлик;
- экранда иш нуктасини йўқотиш, қаторлар, сўзларни тушириб қолдириш, қаторларни такрорлаш, устунларни тўлдиришда хатоликка йўл қўйиш, сўз ёки рақамлар ўрнини алмаштириб қўйиш.

Компютердан доимий фойдаланувчилар кўпроқ психологик стресс, марказий асаб тизимининг функционал бузилишларига, юрак-қон томир тизими ва юқори нафас йўллари касалликларига дуч келадилар. Паст частотали электромагнит майдонлар бошқа салбий омиллар билан ўзаро таъсирга киришганда саратон касалликлари ва лейкомияни кўзғатиши мумкин. Мониторнинг

электростатик майдони ўзига тортадиган чанг, ҳар қандай чанг каби, айрим ҳолларда юз дерматити, астматик симптомларнинг кучайиши, шиллиқ пардаларнинг қичишишига олиб келади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институти персонал компьютернинг операторларга таъсири борасида тиббий биологик тадқиқот ўтказди.

| Компьютертаъсири<br>нинг белгилари                                | Белгилар тўғрисида хабар берган<br>операторлар фоизи                                 |                                                                                      |                                                                              |                                                                    |
|-------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------|
|                                                                   | Тўлиқсиз<br>смена.<br>Монитор<br>қаршисид<br>а ишлаш<br>муддати -<br>12<br>ойгача, % | Тўлиқ<br>смена.<br>Монитор<br>қаршисид<br>а ишлаш<br>муддати -<br>12<br>ойгача,<br>% | Монито<br>р<br>қаршиси<br>да<br>ишлаш<br>муддати<br>- 12<br>ойдан<br>зиёд, % | Монитор<br>қаршисид<br>а ишлаш<br>муддати –<br>2 йилдан<br>зиёд, % |
| Бош ва кўз<br>соҳасидаги оғриқ                                    | 8                                                                                    | 35                                                                                   | 51                                                                           | 76                                                                 |
| Чарчоқ, бош<br>айланиши                                           | 5                                                                                    | 32                                                                                   | 41                                                                           | 69                                                                 |
| Уйқунинг бузилиши                                                 | —                                                                                    | 8                                                                                    | 15                                                                           | 50                                                                 |
| Кун давомида<br>уйқучанлик                                        | 11                                                                                   | 22                                                                                   | 48                                                                           | 76                                                                 |
| Кайфиятдаги<br>ўзгаришлар                                         | 8                                                                                    | 24                                                                                   | 27                                                                           | 50                                                                 |
| Асабийликнинг<br>кучайиши                                         | 3                                                                                    | 11                                                                                   | 22                                                                           | 51                                                                 |
| Депрессия                                                         | 3                                                                                    | 16                                                                                   | 22                                                                           | 50                                                                 |
| Ақлий<br>қобилиятларнинг<br>сусайиши,<br>хотиранинг<br>ёмонлашиши | —                                                                                    | 3                                                                                    | 12                                                                           | 40                                                                 |
| Пешона ва бош<br>терисининг<br>тортишиши                          | 3                                                                                    | 5                                                                                    | 13                                                                           | 19                                                                 |
| Соч тўкилиши                                                      |                                                                                      |                                                                                      | 3                                                                            | 5                                                                  |

|                                                        |    |    |    |    |
|--------------------------------------------------------|----|----|----|----|
| Мушаклардаги оғрик                                     | 11 | 14 | 21 | 32 |
| Юракдаги оғрик,<br>юракнинг нотекис<br>уриши, хансираш |    | 5  | 7  | 32 |
| Жинсий<br>фаолликнинг<br>пасайиши                      | 12 | 18 | 34 | 64 |

КССнинг турли белгилари қуйидаги омиллар сабаб пайдо бўлади:

- Кўзнинг нотўғри фаолияти ва тана ҳолатининг нотўғрлиги;
- Нотўғри танланган кўзойнак ёки контакт линзалари; иш жойининг нотўғри ташкил этилиши;
- Жисмоний, ақлий ва визуал зўриқишлар йиғиндиси;
- Компьютерда ишлашга тайёргарликнинг етарли эмаслиги.

Салбий омилларни бартараф этиш орқали КСС юзага келиши эҳтимолини минимум даражага камайтириш мумкин, деган асосли фикр мавжуд<sup>6</sup>.

Айниқса компьютер ва болалар саломатлиги масаласини алоҳида қайд этиш лозим.

Бугунги кунда дунёда компьютер ўйинларини яратиш бўйича йирик саноат фаолият юритади. Болалар ўз бўш вақтларини улар учун бажонидил сарфлайдилар. Бунда катта хавф мавжудлигини ёдда тутиш лозим. Ёш болалар ўз хатти-ҳаракатларини катталарга қараганда камроқ бошқара оладилар ва ўйинга қизиқиб, ўз вақтида экрандан кўз уза олмай қоладилар. Компьютер ўйинларини ҳаддан ортиқ ўйнаш эса жуда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин — кўзқалувчанлик кучаяди, мактаб ўқувчиларининг ўқиш қобилияти пасаяди, бола инжик, гапга қулоқ солмайдиган бўлиб қолади, компьютердан бошқа нарсага қизиқмай қўяди. Боланинг организмга таъсири жиҳатидан компьютер ўйини гиёҳванд моддага ўхшайди.

Япония ва Англияда ёшлигидан компьютер ўйинларига ҳаддан ташқари берилиб кетган бир неча болага шифокорлар видео ўйин эпилепсияси синдроми ташхисини қўйишган. Бу ҳолат бош оғриғи, юз мушакларининг узоқ муддатли тортишишлар ва кўриш

<sup>6</sup> Абалуев Р.Н., Астафьева Н.Е., Баскакова Н.И., Бойко Е.Ю., Вязовова О.В., Кулешова Н.А., Уметский Л.Н., Шешерина Г.А. Интернет-технологии в образовании: Учебно-методическое пособие. — Тамбов, 2002.

бузилиши билан намоён бўлади. Синдром, гарчи у боланинг ақлий қобилиятининг йўқолишига олиб келмасада, эпилепсияга олиб келадиган шубҳаланиш, ўйчанлик, душманлик, яқинларига тажовузкор муносабат, баджаҳллик ва асабийлик каби салбий хусусиятларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Юқоридагилардан болани компьютер ўйнашига умуман йўл қўймаслик лозим, деган хулосага келиш керак эмас, лекин компьютер дарслари вақтини қатъий белгилаш керак. Шунинг эса тутиш керакки, бундай оқибатлар фақат муаммо тўлиқ эътиборга олинмаган тақдирдагина келиб чиқади. Фойдаланувчи бу каби муаммоларга дуч келмаслик учун хавфни яхши билиб олиши керак; фойдаланувчиларнинг соғлиғидаги муаммоларнинг сабаби компьютерларнинг ўзига эмас, балки эргономика тамойилларига қатъий риоя қилинмаслигида ҳам.

Аксарият муаммоларни компьютер хавфсизлигига риоя қилган ҳолда бартараф этиш мумкин.

Компютер билан ишлашни тартибга солувчи биринчи ҳужжат Россияда 20-аср охирида пайдо бўлган. 1997 йилда норматив ҳужжат “Видео-дисплей терминаллари ва шахсий компьютерлар. Видео дисплей терминаллари ва шахсий ҳисоблаш машиналари учун гигиеник ва ташкилий талаблар”, бу мониторлар ва шахсий компьютерларнинг радиациявий хусусиятларини нормаллаштиради. Бу нурланишлар даражаси MRP II га мослаштирилади. MRP методологияси Швециянинг ўлчов ва синов миллий қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган<sup>7</sup>. Швеция персонал компьютерлар билан ишлашни тартибга солувчи стандартларни яратиш соҳасида қонун чиқарувчи ҳисобланади. XX аср 80-йилларининг биринчи ярмида Швецияда дисплейлар билан ишлаш шартлари ҳақида жиддий муҳокама бошланди. Фақат ишнинг монотонлиги ва таранглиги масалалари эмас, балки визуал эргономика ва электромагнит нурланиш муаммолари ҳам кўриб чиқилди.

MRP методикаси икки турдаги дисплей хусусиятларини текширишни ўз ичига олади: визуал эргономик (ранг, ёрқинлик, равшанлик, чизиқсизлик, ноортогоналлик, акс эттириш коэффициенти, тасвир титроғи, частота ҳисоби) ва эмиссия (рентген нурланиши, электростатик потенциал, 5 Гц - 2 кГц ва 2-400 кГц диапазон орасидаги ўзгарувчан магнит майдони кучланиши, ушбу диапазонда магнит оқимининг зичлиги).

---

<sup>7</sup> Ўша манба.

Эргономика соҳаси мутахассисларининг фикрига кўра, кўпчилик учун қулай иш жойи камида иккита позицияга соzlаниши мумкин, бунда курси, дисплей, клавиатура, сичқонча ва бошқаларнинг ҳолати ва уларнинг сифати ҳар сафар ишга мос келиши керак.

Идеал иш жойи - муайян эргономик ва техник талабларга жавоб берадиган, компютерда иш шароитида максимал қулайликни таъминлайдиган ва кун давомида самарадорлик ва фаровонликни сақлашга ҳисса қўшадиган иш жойидир<sup>8</sup>.

Компютер оператори учун тўғри ташкил қилинган иш жойи бир қатор талабларга жавоб бериши керак:

- операторнинг кўзидан монитор экранигача мақбул масофа ва кўриш чизигининг оптимал қиялиги;
- ишчи ҳужжатларнинг етарли даражада ёритилиши ва экран юзасида бликларнинг йўқлиги;
- тўғри ўтириш ҳолати ва тананинг эгилиш бурчаги; клавиатурада қўлларнинг тўғри жойлашиши; нигоҳни узоқ объектга қаратиш қобилияти; мунтазам нафас олиш.

Идеал иш жойи қуйидагиларни талаб қилади:

- визуал ва эмиссия хусусиятлари бўйича халқаро талабларга жавоб берадиган, экраннинг ёрқинлиги ва контрасти соzlаниши ва монитор экранини керакли бурчакка ўрнатиш учун махсус ўрнатгич;
- клавиатура баландлигини ўзгартиришга имкон берадиган соzlанадиган компютер столи;
- соzlанадиган ўриндиқ;
- оёқ қўйиш учун таглик – агар стол ва ўриндиқ баландлигини соzлаш имкони бўлмаса;
- Клавиатура кабели уни қулай жойга жойлаштириш учун етарлича узун бўлиши.
- иш материаллари учун тутқич.

Компютерда уч соатдан ортиқ узлуксиз ишлаш тавсия этилмайди. Иш жараёнида иложи борица монотонлиқнинг салбий таъсирини камайтириш учун фаолият тури ва мазмунини ўзгартириш керак. Масалан, маълумотларни таҳрир қилиш ва киритиш, ўқиш ва фикрлаш ўртасида кетма-кетлигини ўзгартириб туриш.

---

<sup>8</sup> Абалуев Р.Н., Астафьева Н.Е., Баскакова Н.И., Бойко Е.Ю., Вязовова О.В., Кулешова Н.А., Уметский Л.Н., Шешерина Г.А. Интернет-технологии в образовании: Учебно-методическое пособие. — Тамбов, 2002.

Боланинг компютерда узлуксиз дарси куйидаги давомийликда бўлиши тавсия этилади: 1 -синф ўқувчилари учун – 10 дақиқадан ошмаслиги керак;

2-5-синф ўқувчилари учун 15 дақиқа; 6-7-синф ўқувчилари учун 20 дақиқа; 8-9-синф ўқувчилари учун 25 дақиқа; 10-11-синф ўқувчилари учун 30 дақиқа.

Компютер билан кун давомида ишлашнинг умумий давомийлиги:

8-10 ёшли болалар учун - 45 дақиқа;

11-13 ёшли болалар учун - 1 соат 30 дақиқа;

14-16 ёшли болалар учун - 2 соат 15 дақиқа;

мактабгача ёшдаги болалар учун ўйин дастурлари ёрдамида дарс 7-10 дақиқадан ошмаслиги керак.

Психологик ва педагогик нуқтаи назардан, болалар саломатлигини сақлаш муаммоси асосан функционал қулайлик концепцияси доирасида ҳал қилинади.

Дастлаб, бу концепция эргономикада катталарнинг иш фаолиятига нисбатан ишлаб чиқилган ва уни оптималлаштириш учун назарий асос бўлиб хизмат қилган. Концепция шахс фаолиятининг оптималлашиши ёки оптимал эмаслиги даражасини баҳолашда функционал ҳолатлар назариясидан фойдаланишни назарда тутди.

Функционал қулайлик (ФҚ) – бу фаол (ишлаётган) одамнинг ўзи учун қулай шарт -шароит, фаолият воситалари, унинг мақсади, жараёнлари ва мазмунини кўрсатувчи мақбул функционал ҳолати.

ФҚ ёрдамида одамда ўз фаолиятига ижобий муносабат шаклланиб, бу фаолият жараёни ва шароитлари, унинг натижалари, техник хусусиятлар ва амалга оширилаётган фаолият воситаларининг эстетик хусусиятларидан қониқиш билан ифодаланади. Фаолиятга ижобий ҳиссий муносабат психожисмоний жараёнлар, асаб ва руҳий функцияларнинг адекват мобиллигини таъминлайди.

ФҚ паст даражадаги асаб-руҳий зўриқиши (фаолиятнинг психожисмоний қиймати) билан юқори даражадаги муваффақиятнинг бирлашуви билан тавсифланади, бу чарчокни узоклаштириб, инсон саломатлигига зарар этказмасдан узок вақт юқори самарали ишлашга ёрдам беради. ФҚ ҳолати экспериментал тарзда аниқланган объектив психожисмоний параметрлар ва статистик кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Унга эргономик лойиҳалаштирилганда инсон фойдаланувчи техник воситаларни

оптималлаштиришнинг умумлашган мезони сифатида қараш мумкин.

Ўйинли ривожлантириш фаолиятининг функционал қулайлиги тегишли дастур шаклидаги ўйин қуйидагиларни таъминлаган ҳолда мезон сифатида қаралиши мумкин:

- болага юқори ривожлантирувчи таъсир;
- рухсат этилган интеллектуал юк;
- ўйинга ва умуман ижодий фаолиятга қизиқишни рағбатлантириш;
- боланинг ўйин мазмуни, образлар, ўйин сценарийси, ўйин жараёни ва эришилган натижалардан қониқиши;
- ўйин ва гигиеник омилларнинг боланинг соғлиғига минимал (рухсат этилган) салбий таъсири;
- салбий оқибатларнинг бола руҳиятига таъсир этмаслиги ёки аҳамиятсиз таъсири.

Агар компьютер ўйини мазкур талабларга жавоб берса, у ва унинг амалдаги дастури эргономика нуқтаи назаридан оптималлаштирилган, дея ҳисоблаш мумкин. Шу билан бирга, яна бир бор таъкидлаш жоизки, ўйинли ривожлантириш жараёнида функционал қулайлик мезонига қўйиладиган талаблар КИКнинг техник воситаларига ва операторлик фаолият турларига қўйиладиган мезон талабларидан кескин фарқ қилади<sup>9</sup>.

Ушбу фарқнинг моҳияти юқорида тилга олинган "меҳнат самарадорлиги" ва "ривожланиш эффекти" тушунчаларининг мустақиллигидадир. "Ривожланиш эффекти"га одатда юқори интеллектуал юк ва юқори даражали зўриқиш хос. КИК техник воситаларига ФҚ мезонининг асосий талаблари минимал психожисмоний ҳаракат билан техник воситалардан фойдаланишнинг юқори самарадорлигига (минимал хатолар) эришиш заруриятини кўзда тутди.

Психологлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, компьютер билан ишлашда ўқувчилар масаланинг моҳиятини чуқурроқ ўрганишади. Уларда мавзуга қизиқиш уйғонади, ўқув ва техник адабиётлардан фаол фойдалана бошлайдилар. Графика, муסיқа ёки фон муסיқаси тарангликни кетказади ва эстетик тарбияни оширади. Компьютер билан ишлаш

---

<sup>9</sup> Абалуев Р.Н., Астафьева Н.Е., Баскакова Н.И., Бойко Е.Ю., Вязовова О.В., Кулешова Н.А., Уметский Л.Н., Шешерина Г.А. Интернет-технологии в образовании: Учебно-методическое пособие. — Тамбов, 2002.

болаларнинг ўз фаолиятини режалаштириш ва масъулиятли қарорлар қабул қилиш қобилиятини ривожлантиради.

Компютер тобора кўпроқ маҳаллий ва глобал тармоқлардан фойдаланишнинг янги педагогик имкониятларини кашф этувчи алоқа қурилмаси ролини ўйнамоқда. Компютер илгари фақат юқори малакали мутахассислар эплай олган иш услубларини осонгина ўзлаштираётган болаларнинг ёшга боғлиқ қобилиятини сезиларли даражада яхшилади. Психологлар компютер билан кўп мулоқот қиладиган мактаб ўқувчиларида атроф-муҳит ҳақида ўзгача тасаввурлар шаклланиши, ўз вақтини ташкил қилиш ва бошқалар билан мулоқот қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш қобилиятларини қайд этмоқдалар<sup>10</sup>.

Компютер абстракцияларни аниқ тасвирлар – схемалар, моделлар, чизмалар кўринишида конткретлаштириш орқали ўзлаштиришни осонлаштиради. Бунда ривожлантирувчи таълим тамойиллари ва усуллари тўлиқ амалга оширилади. Тарбияланувчиларнинг тафаккурий фаоллиги, ижодий фаоллиги рағбатлантирилади, мазмуний эҳтиёжлар имкон қадар қондирилади. Ўқувчи ўз иш услуби ва техникасини қўллаш имкониятига эга бўлади.

Бироқ ўқув жараёнида компютердан фойдаланиш кўплаб салбий жиҳатларни юзага келтиради. Кўпгина ўқув дастурлари ишлаб чиқарувчиларнинг таълим психологияси ва унинг ёш хусусиятларини билмаслиги ёки яхши тушунмаслиги, имкониятлари чекланган болаларнинг алоҳида эҳтиёжларини тушунмаслиги нуқтаи назаридан мукамал эмас. Монитор экранининг нисбатан кичик ўлчамлари компютер иш столида ахборотни, унинг ахборот сифими ва иллюстратив ва бошқарув блокларини тартибга солиш муаммосини кўндаланг қўяди.

Х.Г. Ролф компютер таълимининг қуйидаги салбий омилларини қайд этади:

- шахслараро мулоқотнинг камайиб кетиш хавфи, чунки компютер билан алоқа туфайли шахсий алоқалар сони ва сифати пасаяди, бу эса ҳиссий тарбияга ҳам зарар етказиши мумкин;
- ижтимоий тенгсизликнинг кучайиши, чунки қимматбаҳо ускуналарни сотиб олиш имкони ҳаммада ҳам мавжуд эмас;

---

<sup>10</sup> Ўша манба.

- янги технологияларда овоз ва тасвир устунлиги сабаб оғзаки ва ёзма нутқ ролясининг пасайиши хавфи;

- мустақил ижодий фикрлаш қобилиятининг заифлашуви, чунки компьютер таълимий дастурларига рақамлаштириш хос бўлиб, у инсоннинг фикрлашини маълум қоидалар ва моделларга мослаштириш, расмий мантиқий тузилмаларга йўналтириш, кўп белгилик ўрнини расмий бир белгилик эгаллаши, аниқ шартларга эга ва фақат битта хулосани назарда тутадиган операцияларни амалга ошириш каби хусусиятларга эга;

- ҳақиқатни тўғридан-тўғри тадқиқ қилиш имконининг йўқлиги, чунки ўқувчи дастур ишлаб чиқарувчилари онги воситасида билим олади;

- ахборотни қабул қилишнинг пасивлиги, чунки дастур яратувчилари материални ўзлаштиришни оддий ва осон қилишга интиладилар;

- шахснинг жамият билан алоқага киришиш даражаси, яъни одамлар орасида бўлиши, улар билан мулоқот қилиши, ижтимоий ва маданий тадбирларга, музей, театрларга боришининг камайиш хавфи (болалар кам сайр қилади, бошқа болалар билан ўйнашга эҳтиёж сезмайди, дўстларини йўқотишади).

Компютер бошқалардан мустақил равишда ишлаш, қизиқиш уйғотган, шахсий мақсадларни амалга ошириш учун фойдали бўлиб туюлган нарсани мустақил танлаш имкониятини беради, лекин шу билан бирга, ўқувчи атроф -муҳитдан сезиларли даражада ажралиб қолади ва фақат бошқарувчи дастур реакцияларига эътибор қаратади. Компютерлар ўқувчининг ютуқлари ва муваффақиятсизликларини қайд қилади, муайян ўқув вазиятидаги натижаларни таҳлил қилади, ўзгаришлар динамикасини кузатади, лекин машинанинг баҳолари расмий бўлиб, белгиланган мақсадларга эришиш даражаси, ички мотивларни ҳисобга олмайди. Болаларнинг кичик ҳаётий тажрибаси уларга машинанинг реакцияларига танқидий муносабатда бўлишга имкон бермайди, бу эса тўғри йўналишни йўқотишга – ўз имкониятлари ва қобилиятларини асоссиз равишда ортиқча баҳолаш, бошқа ўқувчилардан устунлик ҳиссига олиб келиши мумкин.

Яна бир хавфли жиҳат шундан иборатки, айрим дастурларнинг ўқувчининг кичик хатоларига ҳам кескин муносабати бола руҳиятига шикаст етказиши, ички қоникмасликнинг кучайиши ва "хатолардан кўрқиш" синдромига олиб келиб, болани анъанавий

авторитар таълим билан бир хил муаммоларга рўбаро қилади. Болада асабийлик ва стресслар пайдо бўлади, кўриш қобилияти заифлашади. Авваллари инсон бутун ҳаёти давомида олган маълумотлар бугунги кунда кўчки каби ўсиб бормоқда ва ўқувчилар аксар ҳолатда уларни баҳолаш ва қайта ишлашга тайёр эмаслиги аён бўлмоқда. Унинг ҳаддан ташқари кўплиги одамларнинг дунёқараши ва фикрлаш тарзини кутилмаган тарзда ўзгартириб юбормоқда. Болалар ва ўсмирлар учун кўпинча оммавий тажовуз, зўравонлик, қотиллик ва шафқатсизликка қаратилган электрон оммавий маданият ва тижорий электрон ўйинларининг ҳужумига қарши туриш мушкул<sup>11</sup>.

Ҳисоблаш техникаларидан фойдаланганда, оғзаки санашни ўрганишнинг кечикиши, билимларнинг бошқа фаолият соҳаларига ўтиши қийинлиги, ақлий фаолиятнинг ҳаракатчанлигининг пасайиши, юқори даражали абстракт тушунчаларини ўрганиш билан боғлиқ қийинчиликлар кузатилади. Мантиқий фикрлашни кучайтириш интуитив ҳис шаклланишининг бироз сусайишига олиб келиши мумкин.

Компютерга ўқув жараёнининг барча функциялари, хусусан, мақсадни белгилаш, мотивацияни шакллантириш, дунёқараш ва қадриятлар билан боғлиқ вазифаларни тўлиқ топшириб бўлмайди. Шунингдек, улар тарбиявий функцияларни ҳам ўз зиммасига ола олмайди. Тарбия одамларнинг жонли мулоқотини, муаммоларни бевосита муҳокама қилишни талаб қилади. Компютер конференциялари ахборот алмашиш жараёнида макон ва вақт чекловларни олиб ташлаши мумкин, лекин ҳақиқий конференциялар, мунозаралар, симпозиумлар ўрнини боса олмайди.

Имконияти чекланган болалар билан коррекцион ишларни олиб бориш жараёнида ахборот компютер технологияларидан фойдаланганда қуйидаги гигиеник меъёр ва тавсияларга амал қилиш тавсия этилади.

---

<sup>11</sup> Абалуев Р.Н., Астафьева Н.Е., Баскакова Н.И., Бойко Е.Ю., Вязовова О.В., Кулешова Н.А., Уметский Л.Н., Шешерина Г.А. Интернет-технологии в образовании: Учебно-методическое пособие. — Тамбов, 2002.

### 1.3. Махсус таълимда ахборот технологияларни қўллашнинг асосий жиҳатлари

2. Компьютерда бир марталик ишлаш вақти қуйидагидан ошмаслиги зарур:

| Ёши  | Саломатлик гуруҳи        | Ишлаш давомийлиги |
|------|--------------------------|-------------------|
| 6 ёш | 1–2 гуруҳ                | Кунига 15 дақиқа  |
| 6 ёш | 3 гуруҳ                  | Кунига 10 дақиқа  |
| 5 ёш | 1–2 гуруҳ                | Кунига 10 дақиқа  |
| 5 ёш | 3 гуруҳ                  | Кунига 7 дақиқа   |
| 6 ёш | Кўриш бўйича хавф гуруҳи | Кунига 10 дақиқа  |
| 5 ёш | Кўриш бўйича хавф гуруҳи | Кунига 7 дақиқа   |

1. Бир кунда компьютердан фойдаланиладиган фақат битта машғулоти ташкил этиш.

2. Компьютердан фойдаланган ҳолда машғулоти ўтказишнинг тавсия қилинган вақти:

Куннинг биринчи ярми — мақбул;

Куннинг иккинчи ярми — ўтказиш мумкин, аммо дарсни суткалик меҳнат қобилятининг иккинчи юқорилаш вақтида — кундузги уйқу ва тамаддидан сўнг соат 15:30 дан 16:30 гача бўлган ораликда ўтказиш мақсадга мувофиқ.

3. 6 ёшдаги болалар учун дарсларнинг тавсия этиладиган ҳафталик давомийлиги — ҳафтада 2 маротаба.

4. Компютер билан ўтказиладиган дарслар учун ҳафтанинг тавсия этилган кунлари: сешанба, чоршанба, пайшанба - мақбул; душанба ўтказиш мумкин. Ҳафтанинг биринчи кунда меҳнат қобиляти ҳали керакли даражага етмаган (дам олиш кунлари режимнинг бузилиши сабабли) бўлади. Жума куни ҳафталик тўпланган чарчоқ туфайли меҳнат қобилятининг кескин пасайиши кузатилади, шу сабаб компьютерда ишлаш тавсия этилмайди.

5. Сайр қилиш ва кундузги дам олиш учун ажратилган вақтда компьютер билан ишлаш талаб этилдиған дарсларни ўтказиш мумкин эмас.

6. Кўз чарчасининг олдини олиш учун кўз машқи ўтказиш мақсадга мувофиқ, статистик ва асаб-ҳиссий тарангликни бартараф этиш учун оддий жисмоний машқлардан фойдаланиш мумкин.

*Имконияти чекланган бола билан ишлашда ахборот компьютер технологияларидан фойдаланишга мисол (ўғил бола, 11 ёш, болалар церебрал фалажи, ақли заиф).*

*Ўқувчини компьютер билан таништиришдан олдин қуйидагилардан иборат дастлабки ишлар олиб борилди:*

*ота -оналарни қизиқтириш ва уларни ўқув жараёнига жалб қилиш;*

*компьютердан фойдаланган ҳолда машғулот ўтказиш учун шифокорлардан рухсат олиш; болани техника билан эҳтиёткорлик билан таништириш.*

*Танишув босқичма -босқич амалга оширилди.*

*Биринчи босқичда компьютер ўчирилган ҳолда.*

*“Мен сиз учун сюрприз тайёрладим. Бу нима эканлигини билмоқчимисиз?*

*Синфимизда меҳмон бор. Бу жонзот ақлли, мўжизавий, қизиқарли. У сиз билан мулоқот қилиш, ўйнаш, ҳикояларни гапириб бериш, кўрсатиш, қўшиқ айтиш учун сиз билан дўстлашмоқчи. Компютер, худди одам каби, мураккаб организмга эга. Юзи экран, қўллари – сеҳрли тугмачалар, сичқонча ёрдамчиси. (Тегиниб кўриш, айлантириш, тугмачаларни босиб кўриш)”*

*Иккинчи босқичда компьютер ёқилади. (Янги дўст билан саломлашамиз, хайрлашамиз). Нотаниш товушларга кўникамиз.*

*Учинчи босқич – ўқув машғулоти (15 дақиқа). Бунда тузатиш ва ривожлантириш ишларининг турли усулларидан фойдаланиш мумкин.*

*Булар:*

*мултимедиа тақдимоатдан фойдаланиш (масалан, "Транспорт" мавзусида нутқни ривожлантириш дарсида тақдимоат ёрдамида дарс мавзусига кириш белгилаш, ўрганилганларни мустаҳкамлаш, билимларни текшириш, фонемик идрокни ривожлантириш учун товушли стимуллардан фойдаланиш мумкин);*

*матн муҳаррири билан ишлаш (саводхонлик дарсларида ёки дарслардан ташиқари вақтда мустақил фойдаланиш мумкин);*

*Ривожлантирувчи дастурлар билан ишлаш. Масалан, "Албимедиа" ўқув тўпламидан "Вундеркинд", "Қизиқарли моторлар" ўқув дастурлари. Бу хотирани, диққатни, асосий ҳаракат кўникмаларини, макон тасаввурини ва мантиқий*

*фикрлашни ривожлантириш учун фойдали бўлган болалар учун қизиқарли ўйинлар ва тестлардир*<sup>12</sup>.

Ўқитишни компютерлаштириш ўқитувчига ноаниқ таъсир кўрсатади. Бир қатор ўқитувчилар компютердан кўрқишади, уни ишлатишда психологик тўсиқлар бор. Бошқа ҳолларда ўқитувчи машина операторига айланиб қолгандай туюлади, чунки у синфда тайёр дастурий маҳсулотни ишлатади, унда ҳамма нарса - мақсадлардан ўқитишнинг шакллари ва усулларига қадар олдиндан белгиланади ва бу уларнинг таълим учун жавобгарлигини пасайтиради. Аксинча, мутахассислар борки, улар ўрганишнинг бошқа ёндашувларини тан олмайдилар ва унинг заиф ва салбий томонларини инобатга олмайдилар. Ўқитишда компютерлардан фойдаланиш унинг самарадорлигини оширишга, салбий таъсирни максимал даражада бартараф этишга олиб келгандагина оқланади. Бу, ўз навбатида, таълим жараёнини компютерлаштириш билан боғлиқ барча муаммоларни чуқур психологик-педагогик тадқиқ қилишни талаб қилади.

---

<sup>12</sup> Абалуев Р.Н., Астафьева Н.Е., Баскакова Н.И., Бойко Е.Ю., Вязовова О.В., Кулешова Н.А., Уметский Л.Н., Шешерина Г.А. Интернет-технологии в образовании: Учебно-методическое пособие. — Тамбов, 2002.

## **II. МАХСУС ТАЪЛИМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

### **2.1. Имкониятлари чекланган болаларни ривожлантириш ва ижтимоийлаштиришда компютердан фойдаланиш**

Таълим муассасасининг ахборот-таълим муҳити қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- технологик воситалар мажмуаси (имконияти чекланган болаларнинг алоҳида таълим эҳтиёжлари, жумладан ҳаётий компетенцияни шакллантириш, ижтимоийлашув ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда яратилган компютерлар, маълумотлар базалари, алоқа каналлари, дастурий маҳсулотлар);

- имконияти чекланган болаларнинг махсус таълимий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ўзаро ахборий муносабатларининг маданий ва ташкилий шакллари;

- имконияти чекланган болаларни ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланган ҳолда ўқитишнинг ривожланиш ва тузатиш муаммоларини ҳал қилишда ўқув жараёни иштирокчиларининг ваколатлари;

- АКТдан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш хизматлари мавжудлиги.

Барча тоифадаги имконияти чекланган болаларни ўқитиш тизимида мактабгача ёшдаги болалар ва мактаб ўқувчилари учун умумий таълимга хос ўқув компютер дастурлари қўлланилади. Уларнинг кўпчилигидан фойдаланиш махсус мослашишни талаб қилади<sup>13</sup>.

Махсус таълим тизимига АКТни ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўлида турли тўсиқларни бартараф этиш билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келади:

- ижтимоий – махсус таълимда АКТдан фойдаланишнинг аҳамиятини нотўғри тушуниш ва паст баҳо беришда намоён бўлади;

- салоҳият борасида – педагогларда имконияти чекланган болаларни ўқитишда замонавий АКТдан фойдаланиш учун зарур

---

<sup>13</sup> Гордейко В.В. Проблема разработки и внедрения информационных технологий в специальном образовании // Специальная адукацыя. — 2008. — № 1. — С. 32–35.

бўлган махсус билим ва кўникмаларнинг йўқлиги ёки етишмаслиги билан намоён бўлади;

- иқтисодий – анчагина қиммат бўлган махсус компьютер дастурий-қурилмавий воситаларни харид қилиш учун молиявий маблағнинг етишмаслиги билан боғлиқ.

Имконияти чекланган болаларни ўқитишда АКТдан фойдаланишнинг асосий йўналишлари:

1) янги материални тақдим этишда - билимларни визуаллаштириш (тасвирий-энциклопедик дастурлар; Power Point тақдимот дастури);

2) ўқув дастурлари ёрдамида виртуал лаборатория ишларини ўтказиш;

3) ўргатилган материални мустаҳкамлаш (тренинг - турли ўқув дастурлари, лаборатория ишлари);

4) назорат қилиш ва текшириш тизими (баҳолаш, назорат дастурлари);

5) ўқувчиларнинг мустақил ишлаши ("Репетитор" каби ўқув дастурлар, энциклопедиялар, ривожлантирувчи дастурлар);

6) синф-дарс тизимидан воз кечиш имкони бўлган тақдирда веб-саҳифалар яратиш, телеконференцияларни ўтказиш, замонавий Интернет технологияларидан фойдаланиш имконини яратувчи лойиҳалар усули бўйича интеграциялашган дарсларни ўтказиш;


7) ўқувчининг ўзига хос когнитив қобилиятларини машқ қилдириш (диққат, хотира, фикрлаш ва бошқалар).

Махсус таълимда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бу дастурлаштирилган ўқитишдир.

Дастурлаштирилган ўқитиш - бу ўқув материални ўқитиш мосламаси (компьютер, дастурлаштирилган дарслик, кинотренажёр ва бошқалар) ёрдамида бошқарилувчи ўқитиш жараёни.

Дастурлаштирилган ўқув материали – бу маълум бир мантикий кетма-кетликда тақдим этилган таълим маълумотларининг нисбатан кичик қисмлари давомлилиги (кадрлар, файллар, қадамлар).

Имконияти чекланган болалар махсус таълимида уч турдаги: чизиқли, тармоқли ва мослашувчан ўқув дастурларидан фойдаланиш мумкин бўлиб, улар ёрдамида замонавий мактабда дастурлаштирилган таълим жараёни йўлга қўйилади.



Чизиқли ўқув дастури бу барча ўқув материаллари бутун мавзунини мантикий қамраб олувчи мазмуний бирликлар кетма-кетлигига бўлинади. Ушбу бирликлар махсус таълимга муҳтож бўлган ўқувчи иложи борида камроқ хато қилиши учун етарлича кичик бўлиши керак. Ҳар бир бирлик охирида назорат вазифалари бажарилади, лекин бирликларни ўрганиш тартиби ушбу вазифаларнинг натижаларига боғлиқ бўлмайди.

Тармоқли ўқув дастурининг чизиқлидан фарқи шундаки, имконияти чекланган ўқувчи назорат топшириқларини бажаришда нотўғри жавоб берса, унга назорат топшириғини бажаришга имкон берадиган қўшимча маълумотлар берилиши мумкин.

Мослашувчан ўқув дастури муваффақиятли таълим учун маълум миқдордаги хатолар зарур деган гипотезага асосланади, яъни унга кўра, агар имконияти чекланган ўқувчи бирор хатога йўл қўймаса, таълим самараси камроқ бўлади.

Йўл қўйилган хатолар сони қуйидагича тавсифланади:

а) агар хатолар фоизи маълум даражадан пастга тушса, у ҳолда ўқувжараёнининг қийинчилик даражаси автоматик равишда ошади;

б) хатолар фоизи маълум даражадан ошганда, қийинчилик даражаси автоматик равишда камаяди.

Ҳозирги вақтда имконияти чекланган болаларни ўқитишга компьютер технологияларини жорий этишнинг қуйидаги асосий йўналишлари ажратилади:

- имконияти чекланган болаларни ўқитиш, ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш воситаси сифатида компьютер технологияларидан фойдаланиш;

- инклюзив таълим шароитида компьютер технологияларидан таълим воситаси, ўзликни ва оламни англаш воситаси сифатида фойдаланиш;

- компьютер ва бошқа замонавий ахборот технологияларини ўрганиш объекти сифатида кўриб чиқиш;

- замонавий ахборот технологияларидан имконияти чекланган ўқувчини ижодий ривожлантириш воситаси сифатида фойдаланиш;

- компьютер технологияларидан назорат, тузатиш, тест ва психодиагностика жараёнларини автоматлаштириш воситаси сифатида фойдаланиш;

- педагогик тажриба, услубий ва ўқув адабиётларини узатиш ва ўзлаштириш мақсадида ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган алоқаларни ташкил этиш;

- замонавий ахборот технологияларидан имконияти чекланган болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида фойдаланиш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини қўллаш орқали таълим ташкилоти ва ўқув жараёнини бошқаришни кучайтириш ва такомиллаштириш.

Замонавий ҳисоблаш техникаларининг имкониятлари асосан мактаб таълимининг ташкилий-педагогик ва услубий эҳтиёжларига мос келади:

- ҳисобловчи - ҳар қандай маълумотни (рақамли, матнли, график, овозли ва бошқалар) тез ва аниқ ўзгартириш;

- трансдюсерли - компьютернинг турли шаклдаги маълумотни олиш ва тақдим этиш қобилияти (агар мос қурилмалар мавжуд бўлса);

- комбинатор - катта ҳажмдаги маълумотларни эслаб қолиш, сақлаш, тузиш, саралаш, керакли маълумотларни тезда топиш қобилияти;

- график - ишнинг натижаларини аниқ шаклда тақдим этиш (матн, товуш, расм кўринишида ва бошқалар);

- моделлаштирувчи - ҳақиқий объектлар ва ҳодисаларнинг ахборий (шу жумладан динамик) моделларини яратиш.

Компютернинг юқорида қайд этилган имкониятлари нафақат имконияти чекланган болалар шахсиятининг дастлабки шаклланишига, балки унинг қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантиришга, кўникма ва билим олиш истагини шакллантиришга, билим ва кўникмаларни тўлиқ ўзлаштириш учун зарур шароитларни яратишга ёрдам бериши мумкин.

Дарснинг ўқитиш ва бошқарув вазифалари компьютер зиммасига юкланган босқичларида, ўқитувчи имконияти чекланган ўқувчиларда қидирув мақсадини тушуниш, аввал олинган

билимларни фаол тақдим қилиш, тайёр манбалардан етишмаётган билимлар орқали тўлдиришга интилиш, мустақил қидирув каби сифатларни кузатиш ва қайд этиш иконига эга бўлади. Бу ўқитувчига ўқувчиларнинг ўқишга ижодий муносабатини бошқариш ва босқичма-босқич ривожлантириш учун ўз фаолиятини лойиҳалаштиришга имкон беради.

Ўқув ҳаракатларини текшириш учун намуналарни тақдим этиш (ўқув вазифалари ёки компютер дастурлари орқали), хатолар сабабларини таҳлил қилиш имконияти чекланган ўқувчиларга аста-секин ўз-ўзини назорат қилиш ва ўқув-билиш фаолиятини тўғрилашга ўргатиш имконини беради.

Компютер технологияларини амалда татбиқ этиш ва ахборотлаштиришнинг кейинги босқичларига ўтиш компютер дастурларини яратиш мақсадида алоҳида фанлар мазмунини саралаш билан боғлиқ. Дастур инклюзив таълим тизимини, амалдаги ўқув дастурини акс эттириши ва мактаб ўқув режаси билан бир пайтда олиб борилиши лозим.

Шундай қилиб, бунда асосий илмий-услубий муаммолардан бири мактаб таълимида замонавий таълим (ахборот) технологияларини лойиҳалаш методологиясини яратишдир. Компютер ўқув дастурларига 70-йилларнинг бошларида шахсий компютерлар пайдо бўлган даврда таълим воситаси сифатида қарала бошланди, аммо ҳали ҳам умумэътироф этилган ва "қонунлаштирилган" номга эга эмаслар. Кўпинча уларга нисбатан дастурий -услубий мажмуа, ўқув дастурлари, ўқишга мўлжалланган дастурий воситалар, ўқув-назорат дастурлари ва бошқа шу каби жумлалар қўлланилади.

Ривожлантирувчи компютер дастурлари (жумладан, гиперматнли, мултимедиавий, интеллектуал ва ҳ.к.) ахборот технологияларида алоҳида ўринни эгаллайди. Бундай дастурлар одатда икки турдаги – ахборот- маълумотнома ва ўқув-назорат режимларида таълим бериш имконини беради.

Ахборот-маълумотнома режими босма материаллар, аудио ва видео ёзувлар билан биргаликда ўқув материалларини тушунишни осонлаштириш, қулай ва тасвирий тузилмалашда фаол қўлланилади.

Ўқув-назорат режимидан масофавий таълим мобайнида ўз-ўзини текшириш билан бирга дастлабки ва оралиқ тестдан ўтказиш учун кенг фойдаланилади.

Ривожлантирувчи компьютер дастурларининг мақсади билимлар, малака ва кўникмаларни шакллантириш жараёнини оптималлаштириш ва имконияти чекланган болаларнинг диагностикасидан иборат.

Ривожланиш дастурлари болаларнинг рухий функциялари, ўрганиш жараёнлари, кўриш-ҳаракат координацияси, шахсий фазилатларини ривожлантиришга қаратилган. Ўқув дастурлари математика, рус тили, адабий ўқиш ва ҳоказолар бўйича ўқув фаолияти кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Тузатиш дастурлари компенсаторлик қобилият ва кўникмаларни шакллантиришга, боланинг ҳаётий масалаларни ҳал қилишда мустақиллигини ривожлантиришга ёрдам беради, шунингдек, ўқитувчига имконияти чекланган болаларда тузатиш-ривожлантиришнинг турли соҳалари бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши борасида ташхис қўйиш имконини беради<sup>14</sup>.

Максим Танк номидаги Беларусь давлат педагогика университети махсус таълим факултети лаборатория ва тифлопедагогика кафедраси ходимлари томонидан кўриш қобилиятида бузилиши бўлган мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болалар билан тузатиш-ривожлантириш ишларининг асосий йўналишлари бўйича "Ақлвой" ўқув компьютер дастурлари тўплами ишлаб чиқилди:

- Маконда йўналишни тўғри қўйишни ривожлантириш ва тузатиш: "Ўқиб, ўрганиб, ривожланамиз", "Товушлар олами", "Менинг мўлжалим";

- Ижтимоий-маиший мўлжални тўғри йўлга қўйишни ривожлантириш ва тузатиш: "Мустақиллик сари қадамлар", "Ўзим бажараман";

- Қизиқарли фаолиятни ривожлантириш ва тузатиш: "Мен дунёни ўрганияпман", "Мен ва атрофи олам";

- Кўриш орқали идрокни ривожлантириш ва тузатиш: "Қувноқ синовлар", "Тасвирлардаги дунё"<sup>15</sup>.

Дастурлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

---

<sup>14</sup> Даливеля О.В., Гаманович В.Э. Опыт внедрения информационных коммуникационных технологий в систему специального образования республики Беларусь. Специальная адукацыя. — 2011. — №2. — С. 8–12.

<sup>15</sup> Ўша манба.

- ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш фаолиятида амалий кўникмаларни бажариш имконини берувчи машқлар;
- болага кўриш депривацияси шароитида идрок қилиш қийин бўлган маълумотларни тасаввур қилишга имкон берувчи вазифалар;
- ижтимоий вазиятларни таҳлил қилиш ва тушунишни таъминлайдиган вазифалар;
- атроф-муҳитнинг овозли тасвирини таҳлил қилишга имкон берувчи вазифалар<sup>16</sup>.

Бу дастурлардан фойдаланиш болаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш қобилиятини ошириш, уларнинг шаклланиш жараёнини индивидуаллаштириш, ўқув жараёни ва ўрганилаётган материалга доимий қизиқишни қўллаб-қувватлаш, кўриш қобилияти бузилган болаларнинг когнитив фаоллигини ошириш имконини беради.

Замонавий юқори технологияли "Мимио" мултимедиали ускунаси вертикал ва горизонтал юзалар ёрдамида, педагогик нуқтаи назардан зарур бўлган интерфаол муҳитни ўз вақти ва ўз ўрнида яратишга имкон беради.

Мимио-технология ёрдамида Санкт-Петербург шаҳри Калининский туманидаги 51-сонли болалар боғчаси логопедларнинг муаллифлик жамоаси томонидан нутқни тузатиш учун бир қатор ўйинлар ва ўйинли машқлардан иборат "Мимио-калейдоскоп" инновацион маҳсулоти ишлаб чиқилган.

"Мимио-калейдоскоп" қуйидаги блокларини ўз ичига олади: "Флора", "Фауна", "Одамлар дунёси", "Йил фасллари". Ҳар бир блок икки қисмга бўлинади: (қўлланма ва дидактик материал – компьютер ўйини). Қўлланмада дастурий таъминот билан ишлашнинг услубий хусусиятлари, шунингдек унда фойдаланилган компьютер ўйинларининг тавсифи келтирилган. Ўйиндан олдин йўриқнома билан танишиб чиқиш тавсия этилади, аммо маҳсулотнинг ҳар бир саҳифасига услубий ёрдам киритилган (биргаликдаги машғулотлар, махсус ташкил этилган машғулотлар, мактабгача ёшдаги боланинг индивидуал машғулотлари пайтида фойдаланиш учун)<sup>17</sup>.

---

<sup>16</sup> Ўша манба.

<sup>17</sup> Ўша манба

Ўйинлар қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1. "Мимио-калейдоскоп" инновацион маҳсулоти бу Мимио-компютер дастури бўлиб, унинг мақсади мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш ва тузатиш, шунингдек, болаларнинг интеллектуал, мазмунли ва коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш, мактабгача ёшдаги болаларни замонавий дунёда ижтимоийлаштиришдир. Дастур асосида компютер дидактик ўйини ётади.

2. Инновацион маҳсулотнинг услубий асосини болалар боғчасида янги ахборот технологияларидан фойдаланишга фаол ёндашиш ташкил этади, бунда компютер амалиётини жорий этиш натижасида бола амалий ва тадқиқот кўникмаларини ўзлаштириш учун зарур бўлган билимларга эга бўлади.

3. Инновацион маҳсулот мактабгача ёшдаги болага индивидуал ёндашувни кўзда тутаяди, уни мустақил бўлишга ўргатади ва ўзини назорат қилишни ривожлантиради.

4. Мимио ўйинлар билан ишлаш жараёнида бола ўзига ишонч ҳосил қилади, чунки у хатоларни ўзи тузатиш имкониятига эга.

5. Ўқитувчи қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

- болаларни ўқитиш ва тузатишда шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш;

- болаларнинг турли машғулот-дастурларни лойиҳалаштириш хусусиятларидан келиб чиқиб, тайёр машқлар мажмуасидан фойдаланиш;

- болаларга вазифаларни мустақил бажаришни таклиф қилиш;

- "Мимио" машқларини анъанавий вазифалар билан навбатма-навбат бажариш.

6. Бола қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

- янги турдаги фаолият билан шуғулланиш;

- мустақил тўғри қарор қабул қилиш, ўз фаолиятининг муваффақияти ва ўқув мотивациясини ошириш;

- объектлар билан турли интерфаол ҳаракатларни амалга ошириш (суриш, ўрнини алмаштириш, чўзиш ва ҳ.к) имкониятига эга бўлган ҳолда вазифаларни қизиқарли тарзда бажариш.

7. Интерфаол Мимио - ўйинлардан янги мавзуларни тушунтиришда намойиш материали сифатида ва амалий виртуал вазифалар сифатида фойдаланиш мумкин.

8. "Мимио-калейдоскоп" интерфаол маҳсулоти бир қатор афзалликларга эга: соғлиқни сақлаш борасида (бола бевосита

компьютер билан ишламайди), болалар фаолиятини индивидуаллаштириш қобилияти (индивидуал суръатларда ишлаш, идрокнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш), мустақил ҳулоса чиқариш ва ўзини текшириш, шунингдек, жуфт бўлиб ва кичик гуруҳларда ишлаш қобилияти<sup>18</sup>.

Ушбу манбалар билиш, мулоқот ва ижтимоийлашувнинг фаол шакли ривожланишини таъминлайди.

Замонавий юқори технологияли "Мимио" мултимедиали ускунаси вертикал ва горизонтал юзалар ёрдамида, педагогик нуқтаи назардан зарур бўлган интерфаол муҳитни ўз вақти ва ўз ўрнида яратишга имкон беради.

Мимио Студионинг асосий бўлимлари:

Ускуналар - ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш учун иш қуроллари мажмуи;

Ёндафтарча - бу барча тасвирлар яратиладиган иш майдони; Галерея - тайёр объектлар тўплами.

Маълумот компьютер орқали экранда кўрсатилади ва доска олдида турган мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси кўрсаткич ёрдамида турли ҳаракатларни бажариши мумкин: керакли объектни танлаш, уни бир жойдан бошқасига кўчириш. Асосан, бу ўрнатилган дастурнинг фойдаланувчи интерфейси томонидан қўллаб -қувватланадиган одатий ҳаракатлар тўплами бўлади. "Мимио"нинг имкониятлари туфайли экранда акс эттирилган маълумотларнинг устига керакли эслатмалар ва изоҳлар ёзиш, чизиш мумкин. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси учун ускуналар тўплами доимо қўл остида бўлиши керак, шунинг учун улар экранда доимий бўлиши керак бўлган махсус панелда йиғилган бўлади<sup>19</sup>.

Асосий иш қуроллари:

"Белгилаш" - унинг ёрдамида фойдаланувчи баъзи ҳаракатлар, масалан, позицияни ўзгартириш, гуруҳлаш бажарилиши керак бўлган объектга ишора қилади: ("Қушлар ошхонаси", "Янги уйга кўчиш" ва б.);

"Патқалам" - ҳар хил шакл, қалинлик ва рангдаги чизиқларни чизиш учун мўлжалланган ("Ребус", "Лабиринтлар" ва бошқалар);

"Ўчирғич" - чизиқлар ва график элементларни ўчириш имконини беради;

---

<sup>18</sup> Газиёва Л.П., Кутуева Р.А. Указ. соч.

<sup>19</sup> Ўша манба.

"Маркер" - унинг ёрдамида ихтиёрий рангдаги яримшаффоф қалин чизиқни чизиш мумкин ("Тюленларга емак беринг", "Уюшмаларни топинг" ва бошқалар);

"Илова" - қўшимча функцияларни таклиф қилади: қорайтириш - тайёрланган экраннинг бир қисмини ёпиш имконини беради; прожектор тасвирнинг бир қисмини қоронғи экранда кўриш имконини беради.

Мимио компьютер ўйинларида интерфаол моделлар тўпламидан фойдаланилади (схема 8).

Кубик

Кубик тугмаси босилганда у тасодифий тарзда тушади (Ким далада ўтлайди, "Қушларнинг қай бири емиш идишга биринчи бўлиб етиб боради, "Жиҳозлар дўконида" ва б.).

Бўрибой

Кўп рангли секторларга эга бўлган айлантиргич, унинг ўқи тасодифий секторлардан бирида тўхтади ("Эртаникида меҳмонда", "Ким қандай овоз беради?" ва бошқалар).

Секундомер

Вақтни белгилаш ва назорат қилиб бориш учун («Ким расми тезроқ йиғади?», «Ким Машани тезроқ кийинтиради?» ва б.).

Флеш-термометр

Ҳароратни кўрсатади («Жониворларнинг қишлаши», «Йил-отахонникида меҳмонда» старичка-Годовичка» и т.д.).

пуфакчалар

Босилганда, улар ёрилиб кетади, жавоб пуфакчанинг орқасида яширинади ("Жуфтни олинг", "Яшириш ва излаш" ва бошқалар).

Интерфаол Мимио ўйинлари янги мавзуларни тушунтиришда тақдимот материали ва грамматик тузилмани ривожлантириш учун амалий виртуал вазифалар сифатида қўлланилиши мумкин. Логопед ўқитувчининг болалар билан биргаликдаги фаолиятини "Мимио" иштирокидаги мактабгача ёшдаги тарбиячининг махсус индивидуал машғулоти билан ташкил қилганда, интерфаол тахтада ва кўз машқида кўрсаткич билан ишлагандан сўнг, статик стрессни йўқотиш машқлари бажарилиши керак.

Сўнгги йилларда мактаб ва боғчалардаги логопедик дарсларда компьютерли тақдимотлардан фойдаланишга бағишланган материаллар чоп этилмоқда.

Муаллифлик логопедик машқларини яратишнинг долзарблиги, асосан, нутқ патологияси бўлган мактабгача ёшдаги болаларга саводхонликни ўргатиш учун ишлаб чиқилган электрон таълим ресурсларининг (ЭТР) етишмаслигидан келиб чиқади. Бундан ташқари, сўнгги йилларда мактабгача ёшдаги болаларнинг компьютер саводхонлиги даражасини ошириш тенденцияси кузатилмоқда. Деярли ҳар бир уйда компьютер бор. 5-6 ёшли болаларнинг кўпчилиги компьютер компонентларини билади (монитор, сичқонча, тизим блоки), дисковод ва флешканинг нима учун кераклигини билади ва сичқончадан ишонч билан фойдаланади.

Муаллифлик машқ дастурларининг афзаллиги - бу уларни ўқувчиларнинг хусусиятлари, маълум бир дарс ёки дарслар цикли учун қўйилган мақсад ва вазифаларни инобатга олган ҳолда муайян синфга мослаб яратиш имкониятидир. Бундай дастурни яратиш учун Windows дастурининг Microsoft Office интеграциялашган пакетига киритилган Power Point дастурида ишлай олиш кифоя. Керакли кўникмаларни ўзлаштириш учун интернет тармоғида кенг тарқалган ўз-ўзини ўқитиш қўлланмалардан фойдаланиш, шунингдек, компьютер курсларида (кундузги ва масофавий) ўқиш мумкин.

Мини-ўйинлар иловада кўзда тутилган эффектлар (шу жумладан бошқарув тугмалари, гиперҳаволалар, триггерлар, макрослар) ёрдамида яратилган.

Муаллифлик ЭТРдан фойдаланишга Мурманск вилоятининг Апатиты шаҳридаги 10-сонли комбинациялаштирилган шаклдаги болалар боғчаси логопед-ўқитувчисининг " Б товуши ва ҳарфининг

саргузаштлари" ва "М товуши ва ҳарфининг саёҳати" логопедик машқ дастурлари мисол бўлиши мумкин.

Машқ дастурлари электрон таълим манбаи бўлиб, ундан логопед-ўқитувчилар, тарбияловчилар, бошланғич синф ўқитувчилари ва ота -оналар фойдаланишлари мумкин. Улар соғлом болалар учун ҳам, нутқида нуқсони бўлган болалар учун ҳам бир хил даражада мос келади.

Мақсад: Б ҳарфи ва товуши билан танишув.

Вазифа: фонематик идрокни ривожлантириш, графеманинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, образнинг яхши ёдда қолиши учун ассоциатив боғлиқликларни шакллантириш.

Тренажёрлар бир нечта мини ўйинлар ва медиа-эртақлардан ташкил топган. Ўйинлараро ўтиш бошқарувчи тугмалар ёрдамида амалга оширилади.

“Ҳарф нимага ўхшайди” мини ўйинида болага ҳарфга ўхшайдиган объектни нафақат кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш, балки тегишли элементларни таклиф этилган образ билан солиштириш таклиф этилади. Масалан, биринчи слайдда Б ҳарфи бош кийим кийган қориндор киши кўринишида тасвирланган. Образни кўриб чиқиб, бола кишининг гавдасини узун таёқ, бош кийимини калта таёқ, семиз қорнини ярим доира билан солиштиради. Ўқувчи сичқонча билан ушбу элементлар устига босиб, ҳарфни йиғади. Элементлар бирлашиб, ҳарфни ҳосил қилади ҳамда таҳлил қилиш ва таққослаш учун таклиф этилган образ кўринишида намоён бўлади. Ҳар бир образга ўқиш ёки тинглаш мумкин бўлган шеърӣ матн бириктирилган.

“Ҳарфни топинг” мини-ўйини. Боладан экранда фақат Б ҳарфларини қолдириш сўралади. Бунинг учун ўхшаш элементлардан ташкил топган "кераксиз" ҳарфлар устига сичқонча билан босиш зарур. Вазифани бажаргандан сўнг, бола экранда биргаликда битта катта ҳарфни ҳосил қилувчи 14 та кичик ҳарфни кўради. Шундан сўнг ҳарфни бармоқ билан кўрсатиш, уни ҳар хил материаллардан (таёқчалар, иплар, ширинликлар ва ҳ.к) ёрдамида ҳосил қилиш таклиф этилади. Ўқитувчи ушбу материаллар боланинг ёнида бўлишини олдиндан таъминлаши зарур. Топшириқларнинг тўғри бажарилганлигини ўқитувчи билан бирга боланинг ўзи ҳам баҳолаши мумкин.

"Б ёки П?" мини ўйини. Б ҳарфи унга номларида [б] бўлган маҳсулотлар, кийим-кечак, тақинчоқлар, иш юритиш буюмлари,

музиқа асбобларини танлашда ёрдам беришни сўрайди. Бошқа товушли расмлар сичқонча билан босилганда йўқолади. Расмлар шундай танланганки, бола [б] ва [п] ни фарқлаш имкониятига эга бўлади. Вазифаларни тўғри бажаргандан сўнг, бола ҳарфдан совға сифатида бўғирсоқ олади.

«Қайсар феълли шаҳарлик аёл ҳикояси» медиаэртаги бу Л.М. Граб муаллифлигидаги ҳарфлар ҳақидаги эртакнинг визуаллаштирилган ва овоз берилган кўриниши бўлиб, ҳикоя болага ҳарфнинг график тасвирини эслаб қолишга, унинг элементларини таҳлил қилишга ва ҳарф тасвирини номи билан боғлашга ёрдам беради. "М товушини қидириш" мини-ўйини "Ўз ўйинимиз" теледастури муқобили сифатида ишланган. Унда болаларга 3 турдаги вазифалар таклиф этилади:

- "Овозни топинг" (товушнинг сўздаги ўрнини аниқлаш);
- "Расмни танланг" (берилган бўғинли сўзларни танлаш);
- "Тўртинчиси зиёда" (М товушли расмлар орасида тўртинчи зиёдасини аниқлаш).

Ҳар бир топшириқ 3 даражали қийинчиликка эга: 1 мева - осон, 2 мева - ўрта, 3 мева - қийин.

Вазифаларга ўтиш ва қийинчилик даражасини танлаш гиперҳавола ёрдамида амалга оширилади. Ўқитувчи болага вазифа бериб, якунлагач, уни текшириб кўриш имкониятини беради. Текшириш экраннинг ўнг юқори бурчагидаги оловранг тугмани босиш орқали амалга оширилади. Тугма босилганда рағбатлантириш элементлари пайдо бўлади. Қизиқишни янада ошириш учун ишлаб топилган мевалар сонини қоғозга ёзиб бориш мумкин.

"Овозли кроссворд" мини-ўйини. Мини-ўйин 5 та вазифадан иборат. Сичқонча тугмаси босилгач, сарик доирада М товушли расм пайдо бўлади. Болага таклиф қилинган тасвирларнинг овоз схемаларини қоғозда бажариш ва бажарилган вазифанинг тўғрилигини компьютер ёрдамида текшириш таклиф қилинади.

"Маша ва Мурка" мини-ўйини. Ўйинда Машага Мурка лақабли мушукка сут беришга ёрдам бериш таклиф қилинади. Бунинг учун қоғоздаги кроссвордни тўлдириб, унинг тўғрилигини компьютер ёрдамида текшириш керак. М товушидан бошланган расмлар босилганда сарик доирада пайдо бўлади. Сўзлар оддийдан мураккабга қараб ўзгаради. Сатрлар бирин-кетин тўлганда, Маша

бир қадам пастга тушади. Кроссворд якунлангач, Мурка учун бир коса сут пайдо бўлади.

"Жажжи чумоли" мини ўйини. Ўйинда жажжи чумолига ўзинига етиб олишга ёрдам бериш лозим. Бунинг учун фақат М ҳарфи бўлган баргларни босиш талаб этилади. "Керакли" барглар М ҳарфини ҳосил қилади. Мини-ўйин триггерлар ёрдамида амалга оширилади.

"Мни топинг" мини-ўйини. Ўйинда барча М ҳарфларини топиш зарур. Бунинг учун кераксиз ҳарфларни сичқонча билан босиб, экрандан олиб ташлаш керак. Мини-ўйин триггерлар ёрдамида ишлаб чиқилган.

"М ҳарфини йиғинг" мини-ўйини. Мини-ўйин 2 вазифадан иборат: турли элементлар ва расмлар бўлакларидан (ҳар хил узунликдаги таёқлар) М ҳарфини йиғиш. Биринчи ҳолда, сичқонча ёрдамида керакли элемент устига босиш кифоя. Элемент курсорга "ёпишади" ва фойдаланувчи белгилаган жойни эгаллайди. Иккинчи ҳолда, Shift тугмачаси билан сичқончанинг чап тугмачасини биргаликда босилганда, расмлар бўлаклари соат йўналиши бўйича айланади.

ЭТРнинг асосини ташкил этувчи овозли персонажлар билан қизиқарли саргузаштлар, қизиқарли вазифалар ва жонлантирилган эртақ ҳарф ва товуш билан танишишни динамик, мазмунли ва самарали қилади. Ҳарфлар ва товушлар билан ўйнаб, болалар нафақат янги билимларни муваффақиятли эгаллайдилар, балки ривожланиш йўлида ҳам олдинга силжийдилар.

Ўқув материални визуаллаштириш болалардаги таҳлил қобилиятидан максимал даражада фойдаланишга ёрдам беради, бу эса муаммони айланиб ўтиш йўлларини топиш ва бола организмнинг компенсацион имкониятларини фаоллаштиришга ёрдам беради. Материалнинг ностандарт тақдим этилиши болаларнинг когнитив фаоллигини рағбатлантиради ва анча мураккаб тоифаларни ўзлаштиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, симуляторда бирлаштирилган ривожлантирувчи ўйинлардан фойдаланиш мотивацияни оширади ва кўникмаларни ривожлантириш муддатини қисқартиради.

## **2.2. Имконияти чекланган болаларни ўқитишда махсус техник қурилмалардан фойдаланиш**

Имконияти чекланган болалар таълим муҳитининг асосий тамойили – ҳар бир боланинг алоҳида таълим эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, турли тоифадаги болаларнинг шахсий эҳтиёжларига мослашувчан қайта қуриш орқали мослашишга тайёрлиги.

Имконияти чекланган болалар учун таълим муҳити ҳар қандай болани ўқишга, тарбиялашга ва унинг шахсий ривожланишига қадрият сифатида қараш тизими, уларнинг таълимини ташкил этиш учун ресурслар (воситалар, ички ва ташқи шароитлар) билан тавсифланади. Имконияти чекланган болага таълим ва тарбия бериш учун махсус шарт-шароитлар яратишга мослашувчан, индивидуал ёндашув педагогик жамоанинг самарали фаолиятининг кўрсаткичларидан биридир.

Бу ёндашув, биринчи навбатда, таълим муҳитини яратишда ва турли тоифадаги имконияти чекланган болаларнинг эҳтиёжларига мос келувчи махсус таълим шароитларини ишлаб чиқишда намоён бўлади. Болаларнинг психожисмоний хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим олишлари учун кенг қамровли шарт - шароитларни яратиш имконияти чекланган болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини тадбиқ этиш соҳасидаги асосий вазифа сифатида қаралиши лозим.

Моддий-техник шартларга бўлган талаблар тузилмаси қуйидаги талабларни ўз ичига олади:

- бошланғич умумтаълимнинг мослаштирилган асосий умумтаълим дастурлари (БУ МАУД) амалга ошириладиган муассаса, шу жумладан унинг меъморий қулайлиги ва универсал дизайнини ташкил этиш;

- вақтинчалик тайёргарлик режимини ташкил этиш;

- техник ўқитиш воситалари;

- ўқувчиларнинг махсус таълим эҳтиёжларига жавоб берадиган ва дастурнинг танланган вариантыни ишга тушириш имконини берувчи махсус дарсликлар, иш дафтарчалари, дидактик материаллар, компютерли ўқитиш воситалари.

Таълим жараёнига жалб қилинган ҳар бир киши ташкилий усуллардан ёки ташкилотдаги махсус ресурс марказидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак. Моддий-техник

таъминотни, шу жумладан таълим жараёнига жалб қилинган турли профил мутахассислари, ногиронлиги бўлган ўқувчининг ота-оналари (қонуний вакиллари) тармоғини, мувофиқлаштиришни ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

Моддий-техник таъминот талаблари таълим жараёнининг барча иштирокчиларига қаратилган. Таълим жараёнида иштирок этадиган ҳар бир киши ташкилий техника ёки махсус ресурс марказидан фойдаланиш имконига эга бўлиши керак. Таълим жараёнида иштирок этадиган турли профилдаги мутахассислар, имконияти чекланган ўқувчининг ота-оналари (қонуний вакиллари) тармоғини, мувофиқлаштиришини ва ўзаро таъсирини ўз ичига олган моддий ва техник ёрдамни таъминлайди. Агар масофавий таълимни ташкил этиш зарур бўлса, мутахассислар компьютер ва периферик ускуналарнинг тўлиқ тўплами билан таъминланади.

Замонавий ахборот-таълим муҳити, жумладан, электрон ахборот ресурслари, электрон таълим ресурслари, ахборот технологиялари мажмуаси, телекоммуникация технологиялари, тегишли техник воситалар (жумладан, флеш-симуляторлар, Wiki-асбоблар, рақамли видео материаллар ва бошқалар) фаолияти учун шарт-шароитлар яратилиши керак, ҳар бир талаба БУ МАУДни ўзлаштиришнинг максимал мумкин бўлган натижаларига эришишни таъминлаш зарур. Ташкилотлар масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Имконияти чекланган болаларнинг махсус таълим эҳтиёжларининг хилма -хиллиги, шунингдек, ресурсларнинг турли соҳалари бўйича (моддий -техник таъминот, шу жумладан меъморий шароит, кадрлар, ахборот, дастурий-услубий ва бошқалар) тақсимланган махсус таълим шароитларининг сезиларли вариантлилигини белгилайди.

Шундай қилиб, махсус таълим шарт-шароитларининг яхлит тизимини – ногиронлиги бўлган болаларнинг барча тоифалари учун уларнинг хусусиятлари ва таълим имкониятларига мувофиқ зарур бўлган умумий ҳолатлардан, ўқув жараёнини амалга ошириш самарадорлигини ва боланинг ижтимоий мослашувини белгилайдиган индивидуал ҳолатларгача тавсифлаш мумкин.

Имконияти чекланган болаларни мактаб таълими билан қамраб олишнинг моддий-техник таъминоти имконияти чекланган болалар гуруҳининг нафақат умумий ва махсус таълим эҳтиёжларини, балки ва ҳар бир тоифа эҳтиёжларини қондириши керак. Шу

туфайли моддий-техник таъминот тузилмасида қуйидагиларга қўйилган талаблар акс этиши лозим:

1. Имконияти чекланган бола таълим оладиган муассасани ташкил қилиш.

2. Вақтинчалик ўқув режимини ташкил этиш.

3. Имконияти чекланган бола учун иш жойини ташкил этиш.

4. Имконияти чекланган бола учун қулайликни таъминловчи техник воситалар (ёрдамчи қурилмалар ва технологиялар).

5. Имконияти чекланган болаларнинг ҳар бир тоифаси учун техник ўқув воситалари (шу жумладан, махсус таълим эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган ихтисослаштирилган ўқув компьютер ускуналари).

Таълим муассасаларини махсус, шу жумладан таълимий, реабилитацион, компьютер ускуналари ҳамда эшитиш, кўриш ва таянч -ҳаракат аппарати бузилган шахслар учун тузатиш ишларини ташкил этиш учун автотранспорт воситалари билан жиҳозлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун Россия Федерациясининг субъектлари томонидан махсус, шу жумладан таълимий, реабилитацион, компьютер ускуналари ва транспорт воситалари, дастурий таъминот харид қилинмоқда:

- махсус жиҳозлар, жумладан, баландлиги созланувчи, сатҳи букилган столлар, баландлиги созланувчи стуллар;

- имконият чекланган болалар учун махсус ускунавий-дастурий мажмуалар; имконият чекланган болалар билан ишлаш учун компьютерли, логопедик, психологик дастурлар;

- нутқи, ўқув жараёнлари ва ҳиссий-иродавий бузилишлари бўлган болалар билан ишлаш учун ўқитувчи-психолог, логопед-ўқитувчилар учун ўқув қўлланмалар;

- нутқ ва ҳаракат ривожланиш даражасини аниқлаш учун диагностик усуллар тўплами;

- руҳий-ҳиссий тузатиш учун сенсорли хоналар ускуналари; сенсомотор реабилитация ва тузатиш учун мултисенсор ва ультрабинафша ускуналарнинг мобил мажмуалари; проектор, ноутбук ва экранли интерфаол доскалар; компьютер, телекоммуникацион, махсус ускуналар ва дастурий таъминот тўпламлари;

- реабилитацион ускуналар:

- кислород концентраторлари ва коктейлерлар;

- реабилитация тренажёрлари (эллиптик эргометрлар, велоэргометрлар, виброплатформалар, югуриш ва массаж йўлакчалари);

- ихтисослаштирилган кўп функцияли реабилитация соғломлаштириш мажмуалари;

- логотерапевтик тузатиш ва рухий-ҳиссий ҳолатни тузатиш хоналари;

- универсал рақамли ўқиш мосламалари; СД флеш - карталардаги рақамли овозли китоблар;

- кичик объектлар ва матнни катталаштириш учун компютерли ҳужжат-камералар;

- текис босма матнларни ўқиш учун кўчма қурилмалар; электрон катталаштирувчи қурилмалар;

- матн билан ишлаш ва ахборот маконининг турли компонентларини бошқариш учун рақамли модулли тизимлар;

- эшитиш бўйича "Соло-01В" (М) тренажёрлари; АК-3 (М) "Соннет-01-1" аудиосинфлари; лингводидактик мажмуалар;

Моддий-техник таъминотга қўйиладиган талаблар нафақат болага, балки таълим жараёнининг барча иштирокчиларига қаратилган бўлиши керак.

Бу имконияти чекланган болалар учун таълим жараёнини индивидуаллаштириш зарурати билан боғлиқ. Бу талаблар гуруҳининг ўзига хос хусусияти шундаки, таълим жараёнида иштирок этадиган барча катталар ногиронлиги бўлган боланинг таълим жараёни учун керакли индивидуал материалларни тайёрлаш мумкин бўлган ташкилий техникадан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари керак. Таълим жараёнида иштирок этаётган турли соҳа мутахассислари ва ота-оналарнинг ўзаро таъсир жараёни моддий-техник томондан тўлиқ таъминланиши лозим.

Дастурий-услубий таъминот инклюзив амалиёт асосида таълим берувчи муассасанинг барча ўқувчиларига тўлиқ ва самарали таълим беришга қаратилиши керак.

Саломатлик имкониятлари чекланган болаларнинг ўқув жараёнини дастурий ва услубий таъминлаш боланинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ташкилоти томонидан тавсия этилган рўйхат асосида ишлаб чиқилган асосий ўқув дастури (АУД), мослаштирилган асосий умумтаълим дастури (МАУД), мослаштирилган таълим дастуридан (МТД) ташкил топган коррекцион ишлар дастурида акс эттирилиши мумкин.

Махсус таълим шароитларига мухтож болаларни аниқлаш, ушбу шартларни аниқлаш ва уларни яратиш жараёни қуйидагича ташкил этилади:

1. Тиббиёт муассасидан хулоса ва ногиронлиги бўлган болалар ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича тавсиялар олиш зарур.

2. Туман психологик, тиббий-педагогик комиссияси (ПТПК) болаларнинг жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишидаги ва (ёки) хулқ-атворидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида болаларни ҳар томонлама психологик, тиббий-педагогик кўрикдан ўтказди ҳамда текшириш натижаларига кўра таълим олиш учун махсус шарт-шароитлар яратиш бўйича тавсиялар беради, шунингдек илгари берилган тавсияларни тасдиқлайди, аниқлайди ёки ўзгартиради.

3. Ташкилот кенгаши махсус таълим шароитларини яратиш характерини, давомийлигини ва самарадорлигини белгилайди, ПТПКнинг боланинг психожижмоний ривожланишининг умумий тавсифи ва махсус шароитлар бўйича тавсиялар ва мослаштирилган таълим дастури (агар керак бўлса), мутахассисларнинг тавсияларини ўз ичига олган кенгаш хулосасини тузади. Мутахассисларнинг хулосалари, ПТПК кенгаш хулосаси тушунарли шаклда ота-оналарга (қонуний вакилларга) етказилади, таклиф қилинган тавсиялар фақат уларнинг розилиги билан амалга оширилади.

4. Педагог ходимлар биргаликда тузатиш ишлари дастурини тузадилар, уни мактаб Бошқарув кенгашининг тасдиғидан ўтказиш учун муҳокамага тақдим этадилар ва муҳокама хулосасига кўра амалда тадбиқ этадилар. Ҳар қандай дастурнинг ижроси баҳолаб борилади, тузатилади ва қайта ишлаб чиқилади.

5. Тузатиш ишларини амалга оширишнинг асосий механизмларидан бири бу ногиронлиги бўлган болаларнинг ўқув жараёнида турли профили мутахассислар билан тизимли ишлашини таъминлайдиган таълим муассасаси мутахассисларининг ўзаро оптимал муносабати.

6. Таълим тизимида етишмаётган кадр манбалари ўрнини тўлдириш, доимий услубий ёрдам, имконияти чекланган болаларни умумий бошланғич таълимининг асосий ўқув дастурини амалга ошириш, коррекцион педагогика соҳасида илмий асосланган ва ишончли инновацион ишланмаларни қўллаш борасида тезкор маслаҳатлар бериш имкониятини яратувчи умумтаълим, махсус

(коррекцион) ва илмий муассасаларнинг мажмуавий ўзаро муносабати учун шароитлар яратилиши керак.

7. Ҳар хил тоифадаги ногиронлиги бўлган болалар учун, уларнинг хусусиятларига қараб, таълимнинг зарур даражаси ва сифатини амалга оширишни, шунингдек, ушбу тоифадаги болаларни зарур ижтимоийлаштиришни таъминлайдиган махсус шартларнинг юқоридаги таркибий қисмларининг ҳар бири турли даражада, турли сифат ва ҳажмда амалга оширилиши керак. Масалан, эшитиш ва кўришда нуқсонлари бўлган болалар учун инклюзив таълим майдонини яратишда моддий-техник таъминот ажралмас таркибий қисмлардан бири сифатида максимал даражада мавжуд бўлади, шу билан бирга турли аутизм соҳаси бузилиши бўлган болалар учун бундай устувор аҳамиятга эга бўлмайди. Улар учун махсус шароитлар, махсус ўқитилган мураббийлар (тьюторлар) ва бошқа ташкилий-педагогик шароитларнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади. Таянч-ҳаракат тизимида нуқсонлари бўлган болалар учун (қоида тариқасида, эшитиш ёки кўриш қобилиятининг бузилиши бўлмаса), тўсиқсиз меъморий муҳитини яратишдан ташқари, улар учун таълим шароитларини ташкил этишнинг энг муҳим шarti сифатида дастурий таъминот ва услубий таъминотни қуриш хусусиятлари, хусусан, мия фалажлиги туфайли ногиронлиги бўлган боланинг операцион-фаолият имкониятларига мос равишда педагогик жараёни ташкил этиш биринчи ўринга чиқади.

8. Шундай қилиб, имконияти чекланган ва алоҳида эҳтиёжга эга боланинг таълим жараёнини амалга ошириш учун индивидуал шарт-шароитлар яратишда, ҳар сафар янгиланиши, боланинг имкониятилари ва хусусиятларига мос равишда индивидуаллаштирилиши керак бўлган таълим шартларининг умумий тавсифи намоён бўлади. Психологик, тиббий ва педагогик комиссиялар фаолияти – уларнинг таълим йўналиши ва уни амалга ошириш шартларини белгилаб берувчи якуний ҳулосаси, шунингдек, таълим муассасаси консилиуми фаолияти асосида айнан шундай ўзгарувчанлик жараёни, индивидуал таълим йўналишини амалга ошириш учун махсус шартларни индивидуаллаштириш жараёни ётиши лозим. Шу тарзда ишлаб чиқилган шарт-шароитлар болаларнинг индивидуал хусусиятларига мослаштирилган таълим дастурига унинг таркибий қисмларидан бири сифатида киритилиши янада аҳамиятлироқдир. АУДни амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш жараёнида, имконияти чекланган бола ўзининг

индивидуал хусусиятлари ва қобилиятларига кўра таълим жараёнига тўла-тўқис қўшилиши учун шарт-шароитларни яратиш сифати ва тўлиқлигини баҳолаш ҳам муҳимдир.

Эшитишида бузилиш бўлган ўқувчиларнинг таълим олиши учун махсус шарт-шароитларни яратиш бўйича тавсиялар

| Таълим муҳитининг мослашуви                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Умуммактаб муҳити                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          | Синф муҳити                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>• «Югурувчи қатор» (қаватларда).</li> <li>• Таълим муассасасининг деворларида ҳулқ-атвор, хавфсизлик тўғрисида мактабнинг ички қоидалари баён этилган стендлар.</li> <li>• Дефектолог-ўқитувчи (сурдопедагог) учун индивидуал ва гуруҳли дарсларни ўтказиш учун овоз изоляцияли хона (15 м<sup>2</sup>дан кам бўлмаган)</li> <li>• Мутахассислар билан индивидуал машғулотлар учун хона</li> </ul>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                  | <ul style="list-style-type: none"> <li>• Биринчи парта/стол (дераза ва ўқитувчи столи ёнида).</li> <li>• Интерфаол доска ва бошқа мултимедиавий ускуналар.</li> <li>• Колонка ва Интернетга уланувчи компьютер.</li> <li>• Ахборотни сақлаш ва кўчириш воситалари (USB хотиралар), принтер, сканер.</li> </ul> |
| Махсус ускуналар ва дидактик таъминот                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>• Синф хоналари ва умумий фойдаланиш жойларида (заллар, дам олиш, овқатланиш хонаси, кутубхона ва ҳ.к.) дарснинг бошланиши ва тугашини билдирувчи ёруғлик белгиси.</li> <li>• Хоналарда индивидуал / гуруҳли дарслар учун мултимедиа ускуналари (СМАРТ - доска / СМАРТ - стол / улар учун дастурий таъминланган интерфаол плазма панели).</li> <li>• Зарур периферик қурилмалари (карнай, микрофон, қулоқчин, миди-синтезатор ва бошқалар) мавжуд ва индивидуал / гуруҳли дарслар учун Интернетга уланган мултимедиа компютери.</li> <li>• Хонада индивидуал / гуруҳли дарслар учун маълумотларни сақлаш ва узатиш воситалари (USB хотиралар), принтер, сканер.</li> <li>• Индивидуал ва гуруҳли дарслар учун симсиз тизимлар (ФМ-тизим) (синф, зал, ўқитувчи-дефектолог (сурдопедагог))</li> </ul> |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |

- хонасида).
- Талаффуз қилиш ва эшитишни ривожлантириш устида ишлаш учун махсус аудиовизуал қурилмалар ва компьютер дастурлари (масалан, ИНЗ товуш индикатори, Hear World, Speech W дастурлари ва бошқалар, Делфа 142 сурдологопедик тренажёри ва бошқалар).
  - Жонли ва жонсиз табиат товушлари, музикий ёзувлар, аудиокитоблар тўпламидан иборат музика маркази.
  - Педагогик диагностика ва нутқ ва нутқсиз товушларни эшитиш, нутқни эшитиб-кўриб идрок этиш, талаффузнинг ривожланиш ҳолати ва динамикасини баҳолаш учун дидактик материал.
  - Ўрганилган мавзулар бўйича намуна материаллар (иллюстрациялар, тақдимотлар, ўқув филмлари).
  - Сурдопедагогика ва сурдопсихология бўйича махсус адабиётлар.

Аутистик соҳада бузилиши бўлган ўқувчиларнинг таълим олиши учун махсус шарт-шароитларни яратиш бўйича тавсиялар

| Умуммактаб муҳити                                                                                                                                                                     | Синф муҳити                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                  |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>• Дам олиш хонаси</li> <li>• Ота-оналар учун кутиш жойи</li> <li>• Ўйин хонаси</li> <li>• Ҳаракат худуди</li> <li>• Дам олиш худуди</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>• боланинг ёши ва хоҳишига қараб жиҳозланган ўйин хонаси</li> <li>• дам олиш хонаси учун жиҳозлар: юмшоқ жиҳозлар, гиламлар, аквариум, аудио ускуналар (музика ва табиат товушлари дисклари тўплами билан)</li> <li>• боланинг ёши ва хоҳиш-истакларига мувофиқ жиҳозланган ҳаракатланиш зонаси учун ускуналар</li> </ul>                             |
|                                                                                                                                                                                       | <ul style="list-style-type: none"> <li>• кутиш жойи учун жиҳозлар (стол, курси, махсус адабиётлар, филмлар тўплами ҳамда мавзули филмларни томоша қилиш учун ускуналар)</li> <li>• ширма; юмшоқ матлар ва модуллар; китоб жавонлари; ўйин бурчаги; театрлаштириш учун ўйинлар тўплами</li> <li>• бурилиш бурчаги ўзгарувчи индивидуал парталар; ручкалар, қаламлар учун подставка</li> </ul> |

|  |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |
|--|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|  | <ul style="list-style-type: none"> <li>• ахборий стендлар (мактабда, синфда ўзини тутиш қоидалари, схема, диаграммалар)</li> <li>• компьютер ускуналари (компьютер, проектор, экран).</li> <li>• кутиш жойи учун жиҳозлар (стол, курси, махсус адабиётлар,</li> <li>• филмлар тўплами ва мавзули филмларни кўриш учун ускуналар)</li> </ul> |
|--|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

Таянч-ҳаракат аппаратида бузилиши бўлган ўқувчиларнинг таълим олиши учун махсус шарт-шароитларни яратиш бўйича тавсиялар

Таълим-тарбия жараёнини дастурий ва услубий таъминоти индивидуал таълим дастурини амалга оширишнинг асосий шартларидан бири сифатида таълим жараёнининг барча субъектлари индивидуал таълим дастурни амалга ошириш билан боғлиқ ҳар қандай маълумотга доимий ва барқарор эга бўлишига қаратилган. ИТДни амалга ошириш доирасида таълим муассасаси имконияти чекланган болаларнинг махсус таълим эҳтиёжларини қондирувчи дарсликлар, шу жумладан уларнинг ажралмас қисми бўлган электрон иловали дарсликлар, асосий таълим дастурининг барча ўқув фанлари бўйича ўқув-услубий адабиётлар ва материаллар билан таъминланиши керак. Таълим муассасаси, ёрдамчи мутахассислар босма ва электрон таълим ресурслари, жумладан, имконияти чекланган болалар учун мўлжалланган электрон таълим ресурсларидан (ЭТР) фойдаланишлари керак.

Таълим муассасасининг кутубхонаси ўқув режасидаги барча ўқув фанлари бўйича умумий ва имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган босма ўқув ресурслари ва ЭТР билан жиҳозланган бўлиши, шунингдек, қўшимча адабиётлар фондига эга бўлиши керак. Қўшимча адабиётлар фондига болалар бадий ва илмий-оммабоп адабиётлари, бошланғич умумий таълимнинг асосий таълим дастурини амалга оширишга ёрдам берувчи маълумотнома-библиографик ва даврий нашрлар киритилиши керак.

Имконияти чекланган болалар таълим олувчи муассаса кутубхонаси махсус психология ва коррекцион (махсус) педагогика, босма таълим ресурслари ва ЭТР, жумладан, имконияти чекланган боланинг академик билимларини ва ҳаётий

салоҳиятини оширишга ёрдам берувчи илмий-услубий адабиётлар билан тўлдирилган бўлиши, шунингдек, ушбу мактабда таҳсил олувчи турли тоифадаги ногиронлиги бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш билан боғлиқ долзарб масалалар бўйича қўшимча адабиётлар фондига эга бўлиши зарур. Мазкур қўшимча фондга ногиронлиги бўлган болани ўқитиш давомида фойдаланиладиган илмий-услубий адабиётлар, маълумотнома-библиографик ва даврий нашрлар киритилади.

| Таълим муассасасидан ташқари муҳит                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               | Ўқув муҳити                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>• бинога кириш имкони (пандус; тутқич ва бола тик турган ҳолда таяниши ва ҳаракатланиши мумкин бўлган аравача, ручка, скобка; ҳожатхоналар;</li> <li>• лифтлар — 1 қаватдан кўп бўлган биноларда;</li> <li>• йўлакларда бурилишлар ва бошқа ёрдамчи ускуналар);</li> <li>• эшиклар учун (автоматик очилиш), зиналар (кўтарма майдон); ҳожатхона (ўтиргич, ушлагичлар, ванна учун кўтариш қурилмаси) учун қурилмалар;</li> <li>• тагликни алмаштириш мумкин бўлган ётоқ ўрнатилган мослаштирилган ҳожатхоналар.</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>• Махсус ташкил этилган парталар жойлашуви</li> <li>• Дам олиш зонаси</li> <li>• Махсус жиҳозлар ва ускуналар</li> <li>• Таълимни ривожлантириш учун устахоналар (ручка ва қалам, ушлагичлар, қўл учун оғирлаштирувчилар), юмшоқ мат, ҳаракатланиш учун махсус воситалар: гигиеник талабларга жавоб берувчи ўйинчоқлар,</li> <li>• Аравача (гигиеник талаблар ва хусусиятларга жавоб берувчи қўлда бошқариладиган ва электр);</li> <li>• Ўқишни осонлаштирувчи тугмачали воситалар, электрон китоблар, (махсус ликоплар, кружка, лупа (агар кўришда бузилиш бўлса), қошиқлар;</li> <li>• Компьютерлар ва дастурий таъминот;</li> <li>• Кўтарма воситаси мавжуд микроавтобус);</li> <li>• Хона учун мултимедиа проекторли, планшетли (ёки персонал компьютерли) ускуналар.</li> </ul> |

Кўзи ожизлар, заиф кўрувчилар ҳамда кўриш дефектининг мураккаб тузилмасига эга ўқувчиларнинг таълим олиши учун махсус шарт-шароитларни яратиш бўйича тавсиялар

| Ўқишдан ташқари муҳит                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          | Ўқув муҳити                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p>Йўлак бўйлаб ҳаракатланиш учун:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Хоналар номи туширилган тахталар</li> <li>– даҳлизда тактил йўлак (ғадир-будир йўлакча);</li> <li>– зиналар, йўлаклар учун мўлжаллар — деразаларга тўқ рангли парда тутиш мумкин эмас, синфхонани ёритиш осон бўлиши зарур; девор, зина тутқичларида ёрқин ва контраст рангли белгилар: сариқ ёки қизил, 10 см.</li> <li>– зинапоялар, йўлаклар учун тактил кўрсатмалар (тегиниб билиш)</li> <li>– деворлар ва эшикларда кўрсатмалар;</li> <li>– заиф кўрувчиларга ҳамроҳлик қилиш учун овозли кўрсатмалар (йўлакнинг боши ва охирида, қават белгиси);</li> <li>– кўзи ожизлар учун: бино бўйлаб ҳаракатланиш учун индивидуал таёқ;</li> </ul> | <p>Синфхона учун:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– ҳар бир партада Брайл тизими бўйича тактил кўрсатмалар (партани ушлаб топиш);</li> <li>– синфлар деворлари очик нейтрал рангларда, хусусан оч яшил, оч сариқ рангларда бўлиши мақсадга мувофиқ</li> <li>– доска ва парталар юзаси ялтироқ бўлмаслиги керак</li> <li>– боланинг бўйи ва стол усти қиялигига қараб созланиши мумкин бўлган ўқув столлари;</li> <li>– заиф кўрувчилар учун: ёрқин учли кўрсаткичлар;</li> <li>– заиф кўрувчилар учун: турли катталаштирувчи мосламалар (стол лупалари ва мобил фойдаланиш учун);</li> </ul> |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>– кўзи ожизлар учун: тактил юзаси бўлган спорт залидаги анжомлар; заиф кўрувчилар учун: спорт анжомларида визуал кўрсатмалар;</li> <li>– заиф кўрувчилар учун:</li> </ul>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               | <p>ўқитишнинг турли техник воситалари: «ИНФА-100» ўқиш машинаси, брайл чизиғи билан тўлдирилган компьютерлар, махсус брайл принтери, экран</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |

|                                                                                                                                                                                     |                                                                                          |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------|
| боланинг иш жойида (партада) қўшимча ёруғлик ва доскани қўшимча ёритиш юмшоқ модулар ва гилам билан жиҳозланган психологик ҳордиқ хонаси; ўқитувчи-дефектолог (тифлопедагог) хонаси | маълумотлари билан нутқли ишлаш дастури, қўлда видеокатталаштирувчи "РУБИН" ва бошқалар. |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------|

### 2.3. Имконияти чекланган шахслар учун электрон дарсликлар

Махсус таълимда электрон дарсликларнинг жорий этилиши, шубҳасиз, бутун тузатиш-таълим жараёнининг муваффақиятига ва имконияти чекланган болалар салоҳиятини рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Лекин бу жараён асосли ва самарали тарзда амалга оширилиши керак. Дарс таркибида электрон дарсликнинг ўрни ва ундан фойдаланиш вақтини тасдиқлаш натижасида аниқлаш мумкин. Электрон дарсликнинг афзалликларидан дарсликнинг тузилиши, функционал мазмуни ва дизайнига оид техник ва услубий талаблар ва тавсиялар мажмуини ҳисобга олган ҳолда унумли фойдаланиш мумкин.

Электрон дарслик — бу ўқув интизоми бўйича дидактик, услубий ва ахборот-маълумотнома материаллари, шунингдек, билимларни мустақил эгаллаш ва назорат қилиш имконини берувчи дастурий таъминотни ўз ичига олган автоматлаштирилган ўқув тизимидир.

Электрон дарсликлар дастлаб масофадан ўқитишни ташкил этиш учун ишлаб чиқилган. Бироқ, вақт ўтиши билан, таълим имкониятлари ошиши натижасида уларнинг қўлланиш соҳаси кенгайиб борди.

Лазерли дискдаги электрон дарслик энди ўз-ўзини ўқитиш мақсадида ҳам, дарснинг услубий таъминоти сифатида ҳам оддий қоғозли дарслик каби мустақил ва автоном равишда қўлланилиши мумкин.

Электрон дарслик оммабоп бўлиши учун универсал бўлиши керак, яъни ўз-ўзини ўқитиш учун ҳам, стационар таълим учун ҳам бир хил даражада мос, тўлақонли мазмунли, юқори ахборийликка эга, маҳоратли ёзилган ва яхши тузилган қилинган бўлиши керак.

Бундай дарсликни ҳар қандай ногиронлиги бўлган ўқувчига таклиф этиш мумкин ва у ўқитувчига ўқувчилар учун ўз-ўзини ўқитиш дарсларини ташкил қилишда, шунингдек, алоҳида фанлар бўйича назорат тадбирларини ўтказишда муҳим ёрдамчи бўлиши мумкин.

Электрон дарслик билан солиштирганда қоғоз дарсликдан фойдаланиш қулайроқ бўлишига қарамай, электрон дарслик ўзининг функционалиги туфайли катта машҳурликка эришди. Электрон дарсликнинг оддий типографик дарсликдан афзалликларини кўриб чиқамиз.

Матнни тезкор қидириш имконияти. Ҳамма босма китоблар ҳам индексга эга эмас, эга бўлган тақдирда ҳам, чекланган. Бундай чекловнинг йўқлиги электрон дарсликнинг шубҳасиз афзаллиги ҳисобланади.

Ўқув маълумотларини гиперматн шаклида ташкил этиш. Гиперматн - материалнинг турли қисмларини ўзаро ҳаволалар орқали боғлаб турувчи "жонли", интерфаол ўқув материални яратиш имконияти. Гиперматн материални кўп қисмларга бўлиб, уларни гиперҳаволалар орқали мантикий занжирга бирлаштириш имконини беради.

Сўнг мос равишда ишлаб чиқилган битта материал асосида, ҳар бир ўқувчи учун унинг тайёргарлик даражаси, ўрганиш тезлиги ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос дарслик моделлаштиради.

Мултимедианинг мавжудлиги (мулти - кўп, медиа - муҳит) - ўрганилаётган ҳодисани тасвирлаш усулларининг энг бой мажмуаси. Мултимедиа маҳсулотлари турли хил маълумотлардан фойдаланади: компьютер маълумотлари, теле ва видео маълумотлар, нутқ ва мусика. Бундай бирлашув компьютер орқали телевизор, видеомагнитофон, HiFi аудио тизими, компакт диск (CD), магнитофон ва электрон мусикий асбобларни бошқариш имконини берувчи рўйхатга олиш ва маълумотни тақдим этишнинг техник ускуналаридан фойдаланишни тақозо этади.

Мултимедиа воситаси интерфаол бўлиб, мултимедиа маҳсулотлари томошабин ва тингловчиси пассив бўлиб қолмайди. Мултимедиа ўқув сифатини яхшилади ва ўқувчининг диққатини жамлашга имкон беради. Агар илгари фуқаролик мудофааси дарсларида намоиш этилган "Аҳолининг кимёвий огоҳлантириш шароитидаги ҳаракатлари" оқ-қора филмини томоша қилиш

ўқувчилар орзуси бўлган бўлса, замонавий техник воситалар компьютер анимацияси ёки ўйинлар шаклидаги юз чандон қизиқарли ўқув қўлланмаларни яратишга имкон беради.

Электрон дарсликларни яратишда дарсликнинг типографик вариантыни оддийгина электрон шаклга ўтказиб, кейин уни гиперматнга айлантириш мақсадга мувофиқ эмас. Албатта, натижада дарслик қидирув ва гиперҳаволалар бўйича баъзи афзалликларга эга бўлади, аммо бундай дарслик ногиронлиги бўлган ўқувчи учун ноқулай бўлади, чунки монитордан ўқиш китоб ўқиш каби қулай эмас.

Шунинг учун ногиронлиги бўлган шахслар учун электрон дарсликларни яратишда қуйидагилар мақсадга мувофиқ:

1) дарслик материалнинг ўзгача ташкил этилиши: экранда ўқишни осонлаштириш учун бобларни қисқартириш;

2) материални бир неча қисмга бўлиш (масалан, ўқиш мажбурий бўлган, қўшимча, ёрдамчи, таърифлар ва бошқалар) ва уларни визуал тарзда ажратиш кўрсатиш;

3) психологлар талабларига мувофиқ ўқув материалнинг мазмунини модулларга бўлиш тавсия этилади. Муайян модулга тегишли ўқув материални ўзлаштириш вақти икки соатдан ошмаслиги керак;

4) навбатдаги модулни ўргангандан сўнг, ўқувчилар эгаллаган билимлар электрон дарсликка киритилган тегишли дастур ёрдамида назорат қилиниши керак;

5) фойдаланувчи интерфейсига алоҳида эътибор бериш;

6) матннинг ахборийлигини максимал даражада сақлаган ҳолда материални қисқа ва лўнда ифода этиш. Матнда учрайдиган қисқартмалар умумқўлланилувчи бўлиши ва уларнинг сони имкон қадар камайтирилиши керак. Матнни оғирлаштирмаслик, маълумотни пухта тузиш. Қисқа ва лўнда сарлавҳалар, матннинг осон кўриб чиқилиши учун маркировкаланган ва рақамланган рўйхатлар мавжуд бўлиши лозим. Ҳар бир низомга алоҳида абзац ажратилиши, шу билан бирга абзацнинг асосий ғояси биринчи жумладаёқ акс этиши лозим. Материални тақдим этиш учун жадвал форматини ишлатиш мақсадга мувофиқдир, бу материални ихчам шаклда тақдим этиш ва турли тушунчалар орасидаги боғлиқликни аниқ кўрсатиш имконини беради;

7) дарслик тузилиши керакли ҳажмдаги маълумотни тақдим этишнинг имконини берувчи график ёрдамни ўз ичига олиши

керак. График маълумотлардан ўқув жараёнида гиперматннинг бир қисми сифатида фойдаланиш мумкин.

И.А. Никольскаянинг фикрича, ногиронлиги бўлган болалар учун электрон дарсликларга қуйидаги талаблар қўйилади:

**Анъанавий дарслик талабларига мувофиқлиги.** Электрон дарслик классик дидактикада ишлаб чиқилган талабларга жавоб бериши керак: стандартларга ва амалдаги дастурга мувофиқлиги, кириш аппаратининг мавжудлиги, предметлараро ва предмет ичи алоқаларни амалга ошириш механизмлари, ривожланиш функциясига мувофиқлиги ва бошқалар. Бундан ташқари, электрон дарслик имконияти чекланган болалар учун махсус таълим тизимида қўлланиладиган анъанавий дарсликларга қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак.

**Махсус таълимнинг коррекцион мақсадлари ва ўзига хос шартларига жавоб бериши.** Ногиронлиги бўлган фойдаланувчи ишлаши учун мўлжалланган электрон дарслик тузатиш мақсадларига ва махсус таълимнинг ўзига хос шартларига (фикрлаш ва нутқни ривожлантириш, идрок, диққат, хотира ва бошқаларни ҳисобга олиш) жавоб бериши керак.

**Имконияти чекланган ўқувчиларнинг когнитив фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.** Ўқув материалининг тақдими маълум бир тоифадаги ўқувчиларнинг когнитив фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ, такрорлаш, олдинги материалга қайтиш, узлуксизлик, изчиллик тамойилларига риоя қилинган ҳолда тузилиши керак.

**Тузатиш-ривожлантириш ишларининг турли кўринишларида фойдаланиш имконияти.** Электрон дарслик ҳар хил турдаги машғулотларни ўтказиш имконини бериши керак: фронтал, лаборатория ишлари, синов ишлари, уй ишлари.

**Кўп турлилик ва тўлдириш имконияти.** Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳар бир тоифаси когнитив соҳалар ривожланишининг ўзига хос хусусияти билан изоҳланади, шу туфайли электрон дарсликнинг услубий ва техник хусусиятларига қўйиладиган талаблар ва тавсиялар ҳар хил турдаги бузилишлар учун турлича бўлади. Электрон дарслик учун ягона талаб – бу ўқувчиларнинг ўзига хос руҳий ва жисмоний хусусиятларини ҳисобга олиш нуқтаи назаридан маълум мослашувчанлигидир. Электрон дарслик дастури ўз-ўзини тўлдирувчи бўлиши: вақти-вақти билан курсни янгилаш учун янги материалларни юклаб олишни таклиф этиши лозим.

**Синов.** Юқорида қайд этилган талабни бажариш учун электрон дарсликка маълум бир ўқувчининг маълумотлари билан ишлаш учун муҳим бўлган психожисмоний параметрларини баҳолашга имкон берувчи дастлабки кичик тестларни киритиш мақсудга мувофиқ. Синов натижаларига кўра, электрон дарсликни қўллаб-қувватлайдиган дастур оптимал режим ва ишлаш вариантыни танлайди.

**Матн маълумотларини мослаштириш.** Ривожланишда нуқсони бўлган барча тоифадаги шахслар учун энг кенг тарқалгани оғзаки ва ёзма нутқнинг барча жабҳаларининг ривожланиш хусусиятлари бўлиб, улар матн маълумотларини ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларига (лексик таркиби, синтактик тузилмаларнинг мураккаблиги стилистика, ҳажмни аниқлаш ва бошқалар нуқтаи назаридан) мос равишда мослаштириш талабларини белгилайди.

**Интерфаоллик.** Матнли материални муайян ўқувчининг хусусиятларига мослаштириш электрон дарсликда интерфаол хусусиятлар мужассамлигини кўзда тутди, яъни дарслик мазмунига уни таҳрирлаш, қисмларга бўлиш, тасвирлаш мақсадида фойдаланувчининг (ўқитувчининг) аралашуви имконияти. Интерфаол режимда ишлаш жараёнида, ўқувчининг самарали фаолияти ва унинг фикрлаш жараёнларининг фаоллашуви таъминланади. Ўқувчилар ривожлантирувчи таълим концепциясига мувофиқ ўқув жараёнининг фаол иштирокчисига айланиши керак.

Интерфаоллик (ингл. Interaction — «ўзаро таъсир») — тизимни ташкил қилиш тамойили бўлиб, мақсадга ушбу тизим элементларининг ахборот алмашинуви орқали эришилади. Интерфаоллик — электрон дарсликка қўйиладиган умумий талаб.

**Назорат функцияси.** Электрон дарслик жорий ва якуний назоратни амалга ошириши даркор. Назорат натижалари дарҳол изоҳланиши керак. Электрон дарслик ўқувчини жорий назоратдан муваффақиятли ўтгачгина янги материалга ўтказиши керак.

Экспликация (лот. explicatio — тушунтириш, изоҳлаш) — муайян предмет мазмунини бошқа предметлар ва ҳодисалар хилма-хиллиги орқали очиб бериш усули.

**Турли босқичли ёрдам тизими.** Электрон дарслик турли босқичли ёрдам билан таъминланиши зарур (маълум бир назарий материалга ҳавола бериш, қисман жавоб бериш ва б.)

**Босқичли дифференциация.** Электрон дарсликда мустақил ишларнинг (уй вазифалари, назорат ишлари, лаборатория ишлари) босқичли дифференциацияси жорий этилиши лозим.

**Нутқ намуналари.** Электрон дарсликда тўғри жавобларни қайд этиш учун нутқ намуналари кўзда тутилган бўлиши лозим.

**Ногиронлиги бўлган болалар учун оптимал интерфейс.** Электрон дарсликнинг интерфейсига қўйиладиган талаблар фойдаланувчилар учун қулайлик ва интуитивликдир. Интерфейснинг бошқарув элементлари қулай ва кўринадиган бўлиши, фойдаланишни осонлаштириши керак (масалан, ўқув дастурига видео, овоз, графика ва интерфаол функцияларни қўшиш файлини сичқонча билан тортиш орқали амалга оширилади). Шу билан бирга улар асосий мазмундан чалғитмаслиги керак. Экранда жойлашган пиктограмма ва тугмалар курсорни яқинлаштирганда пайдо бўладиган кўрсатма билан таъминланиши керак.

**Навигатор.** Электрон дарслик оддий навигатор — бўлимлар аро ҳаракатланиш тизими, масалан, «Дарслик билан ишлаш қоидалари», «Дарслик тузилмаси» каби саҳифа билан таъминланган бўлиши зарур.

**Иш босқичининг яқунланганини билдирувчи маркер.** Экранда иш босқичининг яқунлаганини, текширишни бошлаш зарурлигини билдирувчи тугмача, масалан, «Жавоб тайёр» тугмачаси бўлиши керак. Тугмача босилгунга қадар ўқувчи ўз жавобини текшириш ва ўзгартириши мумкин бўлади. Шунингдек, ушбу тугмача — тасодифий нотўғри жавобдан ҳимоя қилади (моторика бузилишлари, гиперфаоллик билан диққатнинг бузилишида).

**Мультимедиавийлик.** Ногиронлиги бўлган ўқувчилар учун мўлжалланган электрон дарсликлар мультимедиавий маҳсулот сифатида намоён бўлиши зарур. Бунда овознинг етарлича кучайтирилиши ва тасвирнинг каталашиши таъминланади. Маълумотни тақдим этишнинг бундай воситалари ҳар бир тоифадаги ўқувчининг ўзига хослигини ҳисобга олишга ёрдам беради. Матнга овозли ва иллюстратив маълумотнинг ҳамроҳлик қилиши сақланиб қолинган анализаторлар ва бузилган анализаторларнинг қолган вазифаларини ишга туширишга ёрдам беради.

**Гиперматнли тузилма.** Электрон дарсликлар гиперматнли тузилмага, хусусан, ўқувчи нотаниш сўзнинг маъносини аниқлай

олиши, материални такрорлаши учун ҳаволаларга эга бўлиши зарур. Ҳаволалар бўйича қўшимча маълумотлар миқдори зарур ва етарли бўлиши ва гиперҳаволаларни ўз ичига олмаслиги керак. Ҳаддан ортиқ навигация эркинлиги ўқувчини кераксиз маълумотларга чалғиб кетишига ва мултимедиа маҳсулоти билан ўзаро алоқада бўлиш орқали юзага келадиган “шўнғиш” режимидан чиқиб кетишига олиб келади. Гиперматнли ҳаволалар кучли ўқувчилар учун ёки илмий лойиҳаларни яратишда рухсат этилиши мумкин.

**Қидирув тизими.** Дарсликка ўқитувчига калит сўзлар ва бирикмалар орқали тезда керакли маълумотлар, иллюстратив материал, аудио ва видеофайлларни тўплаш имконини берувчи мавзу бўйича қидирув тизими киритилган бўлиши маъқул.

**Матнли маълумотнинг камайтирилиши.** Ўқувчилар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида матнли маълумотнинг ҳажми электрон шаклда камайтирилади. Маълумотларнинг аксар қисми овозли ва график шаклда тақдим этилади.

**Электрон иш дафтарлари.** Электрон дарслик ўқувчиларнинг индивидуал ишлари учун электрон дафтарлар билан таъминланган бўлиши лозим.

**Статистика.** Электрон дарслик ўқувчининг натижалари бўйича статистик маълумотларни тўплаб борувчи ускунага эга бўлиши лозим.

**Масофавий таълим талабларига жавоб бериш.** Электрон дарслик ҳам техник (Интернетга уланиш, алоқага киришиш), ҳам услубий жиҳатдан (фаолиятининг электрон почта орқали маслаҳатлашиш, конференциялар ўтказиш, Интернет тармоғи ахборот ресурсларидан фойдаланиш каби шакллари кўзда тутиши) масофавий таълим талабларига тўлиқ жавоб бериши зарур.

**Қўшимча техник қурилмаларни улаш имконияти.** Электрон дарсликнинг техник маълумотлари қўшимча қурилмаларни улаш имконини бериши керак: минигарнитурани ЗУА, ахборотни киритиш ва олишнинг рельефли ускуналари, "сичқончалар" – қўл, оёқ, бош, чироқли патқалам.

**Тасодифий аралашувдан ҳимоя.** Ўқувчиларда учрайдиган ҳаракат соҳасининг умумий ва майда моторика бузилишини ҳисобга олган ҳолда электрон дарсликни тизимли таъминоти тасодифий аралашувлардан ҳимояланган бўлиши керак (ўчириш,

тугмачани нотўғри босиш орқали муҳим файлларни ўзгартириш) (9-схема).

#### Схема 9

Электрон дарсликларга қўйиладиган талаб ва тавсиялар (И.А. Никольской, 2013 маълумотлари бўйича)

ЭДга қўйиладиган талаблар:

- Анъанавий дарслик талабларига мувофиқлиги.
- Махсус таълимнинг коррекцион мақсадлари ва ўзига хос шартларига мувофиқлиги.
- Имконияти чекланган ўқувчиларнинг когнитив фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.
- Тузатиш-ривожлантириш ишларининг турли кўринишларида фойдаланиш имконияти.
- Кўп турлилик ва тўлдириш имконияти.
- Синовдан ўтказиш.
- Матн маълумотларини мослаштириш.
- Интерфаоллик.
- Назорат функцияси.
- Турли босқичли ёрдам тизими.
- Босқичли дифференциация.
- Нутқ намуналари.
- Ногиронлиги бўлган болалар учун оптимал интерфейс.
- Навигатор.
- Иш босқичининг якунланганини билдирувчи маркер.
- Мультимедиавийлик.
- Гиперматнли тузилма
- Қидирув тизими.
- Матнли маълумотнинг камайтирилиши.
- Электрон иш дафтарлари.
- Статистика.
- Масофавий таълим талабларига жавоб бериш.
- Қўшимча техник қурилмаларни улаш имконияти.
- Тасодифий аралашувдан ҳимоя.

## **2.4. Ногиронлиги бўлган шахсларга коррекцион таълим беришда Интернетдан фойдаланиш**

Компютер тармоқларининг яратилиши инсониятга мутлақо янги мулоқот усулини тақдим этди. Маълумот узатиш технологиясининг сўнгги ютуқлари, мултимедия соҳасидаги сўнгги ихтироларни ҳисобга олган ҳолда, маълумотларни қайта ишлаш ва дунёнинг деярли исталган жойига узатиш учун чексиз имкониятларни очиб беради. Яқин келажакда компютер одамлар ўртасидаги асосий алоқа воситаларидан бирига айланади, десак муболаға бўлмайди.

Замонавий Интернет-технологияларнинг ижобий имконияти — бу баъзан дунёнинг нариги томонида жойлашган ноёб экспериментал ресурслардан фойдаланиш имконидир: ҳақиқий телескоп ёрдамида юлдузли осмонни кузатиш ёки атом станцияси реакторини бошқариш, таржима учун онлайн луғатдан фойдаланиш, қурбақани виртуал кесиб кўриш.

Замонавий ўқитувчилар муваффақиятли фойдаланадиган яна бир имконият - бу ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ва рағбатлантиришдир. Интернет тармоғидаги энг яхши иншолар, ўқув курси бўйича ишлар тўпламлари, гиперматнли рефератлар ўқувчиларга нафақат мини-тадқиқотни амалга ошириш имконини беради, балки ўқитувчига ўрганилаётган курс учун материаллар банкни шакллантиришга ёрдам беради. Режалаштирилган лойиҳаларни амалга ошириш учун ўқувчилардан ҳам, ўқитувчилардан ҳам қуйидагиларни кўзда тутувчи компютер саводхонлигига эга бўлиш талаб этилади:

- маълумотларни (матнли, график) киритиш ва таҳрир қилиш, компютер телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш, электрон жадваллар ёрдамида миқдорий маълумотларни қайта ишлаш, маълумотлар базаларидан фойдаланиш, принтерда маълумотларни чоп этишни билиш;

- дастурий маҳсулотлар билан ишлашда коммуникатив кўникмаларга эга бўлиш;

- телекоммуникация лойиҳасидаги когнитив вазифаларни бажариш учун турли ўқув фанлари бўйича илгари олинган билимларни мустақил равишда бирлаштириш қобилияти;

- халқаро лойиҳа устида ишлаганда шерик тилини билиш;

- тармоққа кириш имконияти (электрон почта); тармоқ орқали хат ёзиш ва юборишни билиш;

- тармоқдан қаттиқ ёки юмшоқ дискка ва аксинча, қаттиқ ёки юмшоқ дискдан тармоққа маълумотни ўтказишни билиш;
- қабул қилинган хатларни махсус директорияда тузиш;
- ҳар хил модификациядаги Word муҳаррирлари ёрдамида Doc ва Windows тизимларида ишлаш;
- электрон конференцияларга кириш, унда маълумот жойлаш ва ўқиш, турли конференциялардаги маълумотларни кўчириб олиш.

Интернет-технологияларни таълимга жорий этишнинг афзалликлари ва истиқболларига қарамай, ўқитувчилар фикрича, ахборот технологияларининг ривожланиши фойдадан кўра кўпроқ зарар келтирган таълим соҳаси ҳам мавжуд. Агар қоғоз даврида назоратни четлаб ўтишнинг энг кенг тарқалган усули парта бўйича қўшнидан уй вазифасини кўчириб олиш ёки бир университет миқёсида курс ишларини алмашиш бўлса, бугунги кунда рефератлар ва шу каби материаллар алмашинуви интернет орқали кенг йўлга қўйилди. Интернетда ёки махсус компакт дискда керакли мавзудаги реферат топиш махсус меҳнатни талаб қилмайди.

Интернетнинг имкониятлари янги турдаги ўқув материалларини – Интернет дарслигини яратиш имконини берди. Интернет дарсликларини қўллаш соҳаси кенг: анъанавий ва масофавий таълим, мустақил иш. Ягона интерфейс билан жиҳозланган бундай интернет дарслик фақат битта ўқув курси учун қўлланма эмас, балки доимий ривожланиб боровчи ўқув ва маълумот муҳитига айланиши мумкин.

Интернет дарсликлари компьютер дарсликлари билан бир хил хусусиятларга эга, шунингдек, воситасиз ададини кўпайтириш имкониятига эга – Интернетда ўқув материалининг битта версияси мавжуд ва ўқувчи -фойдаланувчи ўз браузерни орқали унга одатий тарзда кира олади. Бу электрон дарсликка нисбатан муҳим афзалликларга эга, хусусан:

- дарслик муаллифидан ўқувчигача бўлган йўл қисқаради;
- дарслик мазмунини тезкор янгилаш имкони пайдо бўлади;
- дарсликни тайёрлаш харажатлари камаяди;
- идентификация муаммоси ҳал бўлади, яъни деярли барча аппарат платформаларида материал деярли бир хил кўринади (албатта фарқлар бўлади, лекин уларнинг ўқувчининг дарслик билан ишлашига таъсирини камайитириш мумкин);
- интернетда мавжуд бўлган ҳар қандай қўшимча материални дарсликка киритиш мумкин бўлади.

Интернетга уланган ҳар қандай ускунадан Интернет-дарсликка кириш мумкинлиги жуда муҳимдир, бу фойдаланувчилар томонидан қизиқиш бўлса, исталган масофавий таълим курсини ўзлаштириш имконини беради.

Ишлаб чиқиш воситаларининг кўплиги ва “World Wide Web”да қабул қилинган ҳужжатларни стандартларга айлантириш ўқитувчига қўшимча мураккаб дастурлаш тилларини ўрганмасдан ва учинчи томон дастурчиларининг ёрдамига мурожаат қилмасдан ўқув материалларини осонлик билан тайёрлашга имкон беради.

Типографик дарсликлардан компьютерга ва улардан интернет тармоғига ўтиш билан материални тайёрлаш тезкорлиги ошади. Бу дарсликларни тайёрлаш вақтини қисқартиради ва шу билан талаба ёки ўқувчи учун ўқув курслари сонини кўпайтириш имконини беради. Бироқ фақат электрон дарсликнинг ўзи эмас, балки дарсликларнинг ўқувчининг билимини бошқарувчи дастурлар билан бирлашиши, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги реал вақтда мулоқот билан тўлдирилиши янада кўпроқ истикболга эга. Бу борада Интернет энг бой имкониятларни тақдим этади: ҳозирги анъанавий электрон почтадан тортиб видеоконференция ва Web-чатгача. Шу асосда ҳозирда масофавий таълим ташкил этилмоқда.

Ҳозирги кунда махсус таълимнинг энг долзарб муаммоларидан бири ногиронлиги бўлган фарзанди бор оила билан ишлашдир. Болаларга ёрдам беришда асосий рол ота -онага тегишли бўлиб, боланинг ишлаш қобилияти, янги билимларни эгаллаши, ўқитувчилар унга нима бераётганини тушуниш, нутқий бузилиш қанчалик тез бартараф этилиши уларга боғлиқ. Ота -оналар ва мутахассисларнинг болага қўядиган талаблари келишилган бўлиши муҳим, бу эса боланинг бу талабларга мослашишини анча осонлаштиради. Амалиёт шуни кўрсатадики, кўплаб ота -оналар оилада тузатиш ва педагогик ёрдам кўрсатишнинг аҳамиятига етарлича баҳо бермайдилар. Ота-оналар ўз малакаларини ошириш мақсадида мобил алоқа ва ахборот муҳитидан кенг фойдаланадилар. Ота -оналар форумлар, ижтимоий тармоқлар орқали Интернет ҳамжамиятига қўшилиб, болаларни тарбиялаш ва ривожлантириш борасидаги саволларга биринчи навбатда тармоқда жавоб излайдилар. Аммо кўпинча улар глобал тармоқдаги нотўғри маълумотларга дуч келишлари мумкин. Шу муносабат билан ота-оналарга юқори профессионал ахборий-маърифий хизматлар кўрсатиш муаммоси тобора долзарблашиб бормоқда. Шу мақсадда

тузатувчи педагог ўзининг шахсий веб -сайтидан фойдаланиши мумкин. Сайт тузатувчи педагогнинг алоҳида ёрдамига муҳтож бўлган болаларнинг ота-оналарига профессионал ёрдам кўрсатиш учун яратилади. Шахсий веб-сайт ёрдамида ўқитувчи педагогик жараён иштирокчиларига ўз вақтида маълумот бериш ва улар билан эркин мулоқот қилиш, шунингдек, ўз ишининг самарадорлиги тўғрисида маълумот олиш, хулосалар чиқариш ва таълим сифатини ошириш имкониятига эга бўлади.

Шахсий веб-сайтда ўқитувчи ҳамкасблари ва ота-оналарга ўзи ва фаолияти (таълим, жамоат ҳаётида иштирок этиш, қизиқишлар доираси) тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши мумкин. Сайт тўпланган тажрибани ҳамкасблар билан бўлишиш имконини беради (услубий ишланмалар, қўлланмалар, ҳужжатлар).

Ота-оналарга болаларнинг нутқини ривожлантириш, тузатиш ишларининг йўналишлари ва тузатиш ва ривожланиш фаолиятида зарур бўлган умумий тавсиялар ҳақида маълумот бериш, чунки уларни мунтазам равишда амалга ошириш ва логопеддан олинган кўникмаларни автоматизмга етказиш боладаги нутқ бузилишини тўғрилаш жараёнини оптималлаштиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, ривожланиш бузилишларининг ва иккиламчи нуқсонларнинг олдини олиш ҳақида унутмаслик керак, бунинг учун ота-оналарга тузатиш ишлари қанчалик тез бошланса, боланинг нутқ ва интеллектуал ривожланишда оғишлар камроқ бўлиши ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш керак.

Оилаларга шуни етказиш керакки, ҳатто якка тартибдаги бузилишлар ҳам боланинг умумий руҳий ривожланишида, унинг шахсияти ва хулқ-атворининг шаклланишида, бола ривожланишининг меъёрида ривожланишида акс этади, шунга кўра ота-оналар боланинг ривожланиши учун реал, адекват талабларни қўяди. Буларнинг барчаси ота -оналарнинг тузатиш ишларига максимал даражада жалб қилинишини назарда тутди. Шу мақсадда ахборот-коммуникация технологияларидан, яъни мутахассисларнинг шахсий сайтларидан фойдаланиш ҳам жуда мос келади. Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, шахсий сайт чексиз имкониятларга эга, бепул икки томонлама алоқага кенг йўл очади, вақтни тежайди, ўқитувчига ўз иш вақтини тузатиш-ривожлантириш фаолиятига тўлиқ бағишлашга имкон беради, педагогик жараён иштирокчилари билан мулоқот қилишдаги қийинчиликларни бартараф қилади.

## 2.5. Ногиронлиги бўлган шахсларга масофавий таълим бериш асосий тамойиллари, усуллари ва босқичлари

Масофавий таълим — махсус ахборот-телекоммуникация муҳитидан фойдаланган ҳолда таълим муассасидан исталган масофада олиб бориладиган таълим тизими.

Масофавий таълим (МТ) — ўқувчининг ижодий ва (ёки) меҳнат фаолияти учун асос бўлувчи маълум бир таълим малакасига эришиши учун амалга ошириладиган масофавий таълим жараёни. Маъсофавий таълимнинг ахборот-таълим муҳити маълумотларни узатиш воситалари, ахборот ресурслари, ўзаро таъсир баённомалари, ускунавий-дастурий таъминот, ташкилий-услубий таъминотнинг тизимли ташкил этилган мажмуи бўлиб, фойдаланувчиларнинг таълим эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Масофавий таълим — бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг, ўқувчиларнинг бир-бири билан ўзаро таъсири бўлиб, ўқув жараёнига хос бўлган барча таркибий қисмларни (мақсадлари, мазмуни, ташкилий шакллари, ўқув қуроллари) Интернет технологияларининг махсус воситалари орқали акс эттиради<sup>20</sup>.

Масофавий таълим — кенг кўламли анъанавий, янги ахборот ва телекоммуникация технологиялари, ўқувчининг стандартларга жавоб берадиган таълим фанларини эркин танлаши, ўқитувчи билан мулоқот қилиши учун шароит яратувчи техник воситалардан фойдаланишга асосланган универсал инсоний таълим шакли бўлиб, таълим жараёни ўқувчининг макон ва вақтдаги жойлашувига боғлиқ эмас.

Ўқув жараёни таълим жараёнининг моҳияти бўлиб, биринчи навбатда, ўқитувчи ва ўқувчининг, шунингдек талабаларнинг ўзаро муносабатларида интерфаол эканлиги билан тавсифланади<sup>21</sup>.

Яъни, масофавий таълим жараёни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг иштироки, уларнинг мулоқотини кўзда тутди. Масофавий таълимнинг видеотасвирлардаги автоном курслар, телевизион ва радиокурслар орқали ўз-ўзини ўқитиш тизимлари ўртасидаги фарқ айнан шундадир.

---

<sup>20</sup> Абалуев Р.Н., Астафьева Н.Е., Баскакова Н.И., Бойко Е.Ю., Вязовова О.В., Кулешова Н.А., Уметский Л.Н., Шешерина Г.А. Интернет-технологии в образовании: Учебно-методическое пособие. — Тамбов, 2002.

<sup>21</sup> Ўша манба.

Масофавий таълим ҳам кундузги таълим (агар у тегишли таълим дастурлари бўйича ташкил этилган бўлса) билан бир хил мақсадларга мувофиқ, бир хил мазмунга эга бўлган ҳолда ташкил этилади. Аммо материални тақдим этиш шакли, ўқитувчи ва ўқувчилар ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари шакли билан фарқ қилади. МТни ташкил этишнинг дидактик тамойиллари ҳам асосан бир хил бўлиши керак, лекин улар таълимнинг янги шаклининг ўзига хослиги, ахборот муҳити, Интернет имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос усуллар билан амалга оширилади.

Масофавий таълим қуйидагиларга имкон беради: ўқиш учун қулай жой ва вақтни танлаш; турли сабабларга кўра (касаллик, ногиронлик ва бошқалар) анъанавий таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсларга таълим олиш; таълим беришда замонавий ахборот технологияларини қўллаш, таълим харажатларини 50 фоизга камайтириш. Масофавий таълим ўқитувчи билан бевосита алоқада бўлишни ҳам, видеоматериаллар, дарсликлар билан мустақил ишлашни, телеконференцияларда иштирок этишни, электрон тармоқлар орқали маълумотлар базалари ва маълумотлар банкларига киришни кўзда тутди.

Масофавий таълим тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: касбий таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, қўшимча таълимни ривожлантириш, ногиронлиги бўлган ва уларнинг ижтимоий ҳавфсизлигини оширишга муҳтож бошқа шахслар учун қўшимча таълим, янги таълим дастурларини яратиш учун бошқа таълим муассасалари билан интеграция.

Масофавий таълим тизими таълим муассасасининг мавжуд мажмуаси доирасида яратилиши керак ва унинг таркибий бўлинмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ташкилий ва ўқув-услубий шакли ҳисобланади.

Масофавий таълим (МТ) – кундузги ва сиртқи бўлимлар билан бир қаторда ўқув жараёнида компьютер ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълимнинг энг яхши анъанавий ва инновацион усуллари, воситалари ва шакллари қўлланиладиган таълим шаклидир. МТдаги ўқув жараёнининг асоси ўқитувчининг мақсадли ва бошқариладиган интенсив мустақил иши бўлиб, у ўзи учун қулай жойда, индивидуал жадвал бўйича ўқиши, махсус ўқув қўлланмалари тўпламига ва ўқитувчи билан телефон, электрон ва оддий почта орқали, шунингдек, шахсан мулоқот қилиш

имкониятига эга бўлади. МТ - субъектлар ва ўқув объектларининг бир-бири билан ва ўқув воситалари билан ўзаро таъсирининг мақсадли, интерфаол, асинхрон жараёни бўлиб, ўқув жараёни уларнинг макондаги жойлашувига боғлиқ эмас. Таълим жараёни ўзига хос педагогик тизимда амалга оширилади, унинг элементларига қуйидагилар киради: ўқув мақсадлари, таълим мазмуни, ўқитиш усуллари, ўқитиш воситалари, ўқитишнинг ташкилий шакллари, идентификацион-назорат, ўқув-моддий, меъёрий-хуқуқий тизимлар.

МТ инсонпарварлик тамойилига жавоб беради, унга кўра ҳеч ким қашшоқлик, географик ёки вақт нуқтаи назаридан изоляция, ижтимоий ҳимоясизлик ва жисмоний нуқсонлари ёки иш жойида ишлаб чиқариш ва шахсий ишлар бандлиги сабабли таълим муассасаларига бориш имкониятидан маҳрум бўлмаслиги керак. Ушбу тамойил узлуксиз интенсив таълим тизимида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Унинг моҳияти ўқитиш ва умуман таълим жараёнини шахсга қаратилганлиги, ўқувчиларнинг ижтимоий тажрибани ўзлаштириш, танланган касбни ўзлаштириш, ижтимоий хавфсизлик, хавфсиз ва қулай яшашни таъминловчи ижодий индивидуаллик, юксак фуқаролик, ахлоқий, интеллектуал фазилатларнинг ривожланиши ва намоён бўлиши учун энг қулай шарт-шароитларни яратишдадир.

### **Ногиронлиги бўлган шахсларга масофавий таълим бериш тамойиллари**

**Масофавий таълим тизимида таълим жараёнини лойиҳалашда педагогик ёндашувнинг устуворлик тамойили.** Мазкур тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, МТ тизимини лойиҳалаш назарий тушунчаларни ишлаб чиқишдан, амалга оширилиши керак бўлган ҳодисаларнинг дидактик моделларини яратишдан бошланиши лозим. Компютерлаштириш тажрибаси шуни кўрсатадики, педагогик жиҳатнинг устувор бўлиши, тизим янада самаралироқ бўлишини таъминлайди.

**Янги ахборот технологияларидан фойдаланишнинг педагогик мақсадга мувофиқлиги тамойили.** Ушбу тамойил МТ тизимини лойиҳалаш ва яратишнинг ҳар бир босқичи самарадорлигини педагогик баҳолашни талаб қилади. Шунинг учун технологияни жорий этиш эмас, балки ўқув курслари ва таълим хизматларининг мазмунига устувор аҳамият бериш зарур. Таълим

мазмунини танлаш таъмойили. МТ тизими мазмуни Россия Федерацияси Давлат таълим стандартининг меъёрий талабларига мувофиқ бўлиши керак.

**МТ тизимидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш таъмойили.** Зарур маълумотларни хавфсиз ва махфий сақлаш, узатиш ва улардан фойдаланишнинг ташкилий ва техник усуллари таъминлаш, сақлаш, узатиш ва фойдаланишда унинг хавфсизлигини таъминлаш зарур.

**Таълимнинг бошланғич даражаси таъмойили.** МТ тизимида самарали ўқитиш маълум билим, кўникма ва қобилиятларни талаб қилади. Масалан, самарали таълим олиш учун ўқишга номзод мустақил ўқишнинг илмий асосларини билиши, компютердан фойдаланишда маълум кўникмаларга ва ҳ.к. эга бўлиши керак.

**Таълим технологияларининг мослик таъмойили.** Ўқитиш технологиялари МТ моделларига мос келиши керак. Анъанавий интизомий ўқитиш моделларида маърузалар, семинарлар ва амалий машғулотлар, имитацион ёки ишбилармонлик ўйинлари, лаборатория машғулотлари, мустақил иш, ишлаб чиқариш амалиёти, билимларни ўзлаштиришни назорат қилиш ўқитишнинг ташкилий шакллари (дарс турлари) сифатида қўлланилади. МТ тизимини шакллантириш жараёнида зарурият юзага келганда унга киритилиши керак бўлган янги моделлар пайдо бўлиши мумкин.

Объектга йўналтирилган ёки лойиҳавий-ахборот моделлари ана шундай янги моделларга мисол бўла олади. Ушбу моделларда ўқитишнинг ташкилий шаклларида компютер конференциялари, телеконференциялар, ахборот сессиялари, телеконсултациялар, лойиҳа ишлари ва бошқалар қўлланилади.

**Таълимнинг мобиллик таъмойили.** Унинг моҳияти МТ учун ахборот тармоқлари, маълумотлар базалари ва билим ва маълумотлар банкларини яратишдан иборат бўлиб, ўқитувчи ўзи ўқиётган жойда тегишли хизматлар мавжуд бўлмаганда ўз таълим дастурини керакли йўналишда мослаштириш ёки тўлдириш имконини беради.

**Масофавий таълимнинг мавжуд таълим шаклларига қарама-қарши бўлмаслиги таъмойили.** Лойиҳалаштирилаётган МТ тизими яратилаётган ва жорий этилаётган ахборот технологиялари олий таълимнинг анъанавий тизимида ёт элементга айланиб қолмай, балки унга табиий равишда интеграциялашган ҳолда кутилган ижтимоий ва иқтисодий натижани беради.

Педагогик амалиётда таълимнинг маълум шакллари ишлаб чиқилган. Улардан энг кенг тарқалганлари: дарслар, маърузалар, семинарлар, лаборатория машғулоти, назорат ишлари, имтиҳонлар ва бошқалар. МТ дарслари анъанавий дарслардан фарқли ўлароқ, ўқитувчи билан жонли мулоқотни истисно қилади. Бироқ, бир қатор афзалликларга ҳам эга. Дарсларни ёзиб олиш учун аудио ва видео кассеталар, СД-РОМ дисклари ва бошқалардан фойдаланиш мумкин. Замонавий ахборот технологияларидан (гиперматн, мультимедиа, ГАТ (геоахборот тизимлари) технологиялари, виртуал реаллик ва бошқалар) фойдаланиш дарсларни ифодали ва кўргазмали қилади.

Уларни яратиш учун кинематографиянинг барча имкониятларидан фойдаланиш мумкин: режиссура, сценарий, артистлар ва бошқалар. Бундай дарсларни исталган вақтда ва исталган масофада тинглаш мумкин. Бундан ташқари, материални ёзиб олишнинг ҳожати йўқ. МТ семинарлари ўқув машғулотида фаол шакли саналади. МТ семинарлари видеоконференцалоқа орқали ўтказилади. Улар муҳокамага унинг исталган нуқтасида кириш, бир неча қадам ортга қайтиб, олдинги муҳокамаларни ўқиб чиқиш имконини беради.

Ўқитувчи материалнинг ўзлаштирилишини муҳокамада қатнашувчининг фаоллик даражасига қараб баҳолаш мумкин. Ўқувчиларнинг бир-бири билан муносабатлари фаоллашади, ўқитувчи эса тенг ҳуқуқли шерик ролида намоён бўлади. МТ консultasiялари ўқувчилар ишини бошқариш ва уларга фанни мустақил ўрганишда ёрдам бериш шакллари билан бирдир. Бунда телефон ва электрон почтадан, шунингдек, телеконференциядан фойдаланилади. Маслаҳатлар ўқитувчига ўқувчининг шахсий фазилатлари – ақл, диққат, хотира, тасаввур ва фикрлашни баҳолашга ёрдам беради. МТ лаборатория ишлари материални амалий ўзлаштириш учун мўлжалланган.

Анъанавий таълим тизимида лаборатория ишлари қуйидагиларни талаб этади: махсус жиҳозлар, макетлар, имитаторлар, тренажёрлар, кимёвий реактивлар ва бошқалар. МТнинг келажакдаги имкониятлари мультимедиа технологиялари, ГАТ технологиялари, имитацион моделлаштириш ва бошқаларни қўллаш орқали лаборатория машғулотида ўтказиш жараёнини сезиларли даражада соддалаштириши мумкин. Виртуал реаллик

ўқувчиларга оддий шароитда кўрсатиш жуда қийин ёки имконсиз бўлган ҳодисаларни намоиш қилиш имконини беради.

Масофавий таълимда назорат — ўқувчининг назарий ва амалий ўқув материални ўрганиши натижасини текшириш.

Масофавий таълимда тест назорати ўзини оқлади ва эътирофга сазовор бўлди. Тест, қоида тариқасида, фанлар бўйича бир нечта жавоб вариантларига эга қатор саволларни ўз ичига олади. Ўқувчи ушбу вариантлардан тўғри жавобни танлаши керак. Тестлар ўз-ўзини назорат қилиш учун яхши мослаштирилган ва индивидуал дарслар учун жуда фойдали<sup>1</sup>. Ногиронлиги бўлган болалар учун масофавий таълим тизими бир неча босқичда амалга оширилиши керак:

|          |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |
|----------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1-босқич | — Фан курслари бўйича электрон дарсликлар ёки маълум бир ўқитувчиларнинг аудиториядаги дарсларининг электрон вариантлари орқали билимлар базасини яратиш. Фундаментал фанлар бўйича таянч дарсликларни яратиш энг муҳим ва масъулиятли вазифадир. Бунда умумлаштирилган дарсликлар бир неча йиллар давомида эскирмайди ва муаллифлар жамоаси томонидан тузилади. Ўқитувчиларнинг аудиториядаги дарсларининг электрон версияларини (хосланган дарсликлар) яратиш бир нечта таянч (умумлаштирилган) дарсликларни соддалаштириш ва материални турли тоифадаги ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш орқали амалга оширилади. Ушбу босқич ўқувчиларга материални уйда, компьютерда ёки махсус компьютерли аудиторияда такрорлаш ва таҳлил қилиш имконини беради. Мазкур босқичдаги материал дискет, СД-диск (қоғозга чоп этилган варианты ҳам истисно эмас) кўринишида тақдим этилади. |
| 2-босқич | — электрон дарсликлар ва аудитория машғулотларини мултимедиавий қўллаб қувватлаш (овозли ҳамроҳлик, 2D, 3D графика, рақамли видео, виртуал лаборатор ишлар). Ушбу босқич кўриб чиқиладиган материалнинг тушунарлилигини оширади, натижада материални қабул қилишдаги тўсиқлар бартараф этилади. Мазкур босқичда материал ҳажми катталиги сабаб СД-дискда тақдим этилади. Бунда компьютер мултимедиа                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |

|          |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |
|----------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|          | иловаларини ишга тушириш учун овозли карта ва дастурий таъминот билан жиҳозланган бўлиши лозим.                                                                                                                                                                                                                                                                                         |
| 3-босқич | — Биринчи ёки иккинчи босқичда яратилган материалларга масофавий киришни таъминлаш. Мазкур босқичда материалларга кириш имкони ҳам таълим муассасасининг ички тармоғи орқали, ҳам Интернет орқали (ётоқхона ёки уйдан туриб) таъминланади. Ушбу босқич учун масофавий таълим сервери ва мултимедиа маълумотларини узатиш учун юқори ўтказувчанликка эга узатиш каналлари талаб этилади. |

Масофавий таълимнинг турлича моделлари мавжуд (схема 10).  
Схема 10



Схема 10

Масофавий таълимнинг барча моделларининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:


1. Ўқувчиларга амалдаги ўқув дастурлари доирасида турли соҳадаги билимларини такомиллашириш ва ошириш имконини бериш.

2. Тегишли имтиҳонлар асосида таълим тўғрисида аттестат, у ёки бу малака даражасини олиш (экстернат).

3. Мактаб ва олий таълим дастурлари бўйича сифатли таълим бериш.

МТ тармоқли курси қуйидаги тузилмага эга (схема 11).

## Схема 11



### Масофавий таълимнинг тармоқ курси тузилмаси

Масофавий таълим ўзига хос ахборий-таълимий муҳитда олиб борилиб, унинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

Ўқув фанлари бўйича курслар.

Курс кутубхонаси.

Маълумотнома материаллари. Лаборатория ишлари. Ижодий ишлар.

Луғатлар.

Ўқувчиларни рўйхатга олиш бўйича ҳужжатлар.

Ўқувчиларнинг шахсий ишлари.

Ўқув жараёнини ҳужжатлаштириш. Телеконференциялар.

Лойиҳалар. Чат.

Веб-сайтлар.

МТда фойдаланиладиган тармоқ технологиялари<sup>1</sup>:

Электрон почта.

Электрон почта бўйича телеконференциялар (офлайн) ёки оператив режимдаги (онлайн).

Мейл-серверлар.

Маълумотлар базасига кириш. Телевидеоконференциялар. Чат-технологиялар.

Мультимедиявий киритмалар.

Электрон дарслик қуйидагилардан ташкил топади:

Дарслик тўғрисида умумий маълумот.

Қўшимча маълумотни (матнли, график) кўзда тутувчи, гиперматнга асосланган таянч матнлар.

Мультимедиявий киритмалар. Лаборатория ва амалий ишлар. Индивидуал ва гуруҳли вазифалар. Назорат блоки, тест ўтказиш.

МТда ўқувчиларнинг мустақил ишлари турлари:

Гиперматн билан ишлаш. Тармоқда маълумот қидириш.

Тармоқдаги муҳокамалар (телеконференциялар).

Индивидуал ва гуруҳли лойиҳаларнинг амалга оширилиши. Виртуал кутубхонада ишлаш. Уюшма гуруҳларида ишлаш.

МТ самараси қуйидагиларга боғлиқ: ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро таъсири самарадорлиги; қўлланилаётган педагогик технологиялар; фойдаланилаётган услубий материаллар ва уларни етказиш йўллари; қайта алоқа самарадорлиги; халқаро ахборот тармоқларига чиқишнинг самарадорлиги<sup>22</sup>.

## **2.6. Масофавий таълимда коммуникация технологиялари турлари**

Масофавий таълимда телекоммуникацион технологиялар бажарадиган асосий вазифа — бу ўқув мулоқотини таъминлаш. Таълимни (Мустақил таълимдан ташқари) қайта алоқасиз ташкил этиш имконсиз. Кундузги таълимда мулоқот қилиш имконияти ўқув жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос шакли, ўқитувчи ва талабанинг бир вақтнинг ўзида бир жойда бўлиши билан белгиланади. Масофавий таълимда мулоқот телекоммуникацион технологиялар ёрдамида ташкил этилади<sup>23</sup>.

Масофавий таълимда қўлланиладиган ахборот технологияларини уч турга бўлиш мумкин:

- ўқув маълумотларини тақдим этиш технологиялари;
- таълим маълумотларини узатиш технологиялари;
- ўқув маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиялари.

Улар биргаликда масофавий таълим технологияларини шакллантирадилар. Бунда таълим дастурларини амалга оширишда ўқув маълумотларини узатиш технологиялари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар ўқув жараёнини ва уни қўллаб-қувватлашни таъминлайди.

Ўқув жараёни доимо маълумотни ўқитувчидан талабага ўтказишга асосланади. Шу маънода таълимда қўлланиладиган ҳар қандай технологияни ахборот технологияси деб аташ мумкин. Бошқа томондан, "ахборот технологиялари" атамаси кўпинча

<sup>22</sup> Абалуев Р.Н., Астафьева Н.Е., Баскакова Н.И., Бойко Е.Ю., Вязовова О.В., Кулешова Н.А., Уметский Л.Н., Шешерина Г.А. Интернет-технологии в образовании: Учебно-методическое пособие. — Тамбов, 2002.

<sup>23</sup> Дистанционное образование: педагогу о школьниках с ограниченными возможностями здоровья / Под ред. И.Ю. Левченко, И.В. Евтушенко, И.А. Никольской. — Национальный книжный центр, 2013.

компьютер технологиялари ва телекоммуникациялардан фойдаланишга асосланган барча технологияларга нисбатан қўлланилади. Нотўғри талқин қилишнинг олдини олиш учун масофавий таълим учун энг муҳим бўлган учта тушунчани аниқлаб оламиз. Булар: ўқув маълумоти, таълим технологиялари, ахборот технологиялари. Уларнинг ҳар бирини кўриб чиқамиз.

Ўқув маълумоти - бу ўқувчи у ёки бу фаолиятни малакали бажариши учун унга берилиши керак бўлган билимдир.

Кундузги таълим тизимига хос бўлган ўқитишнинг интизомий моделида ўқитувчи билимнинг етказиб берувчиси ҳисобланади. Масофавий таълимда билим воситаси кўпроқ талабанинг ўзи бўлади, шунинг учун ўқув маълумотларининг сифати ва уни тақдим этиш усулларига юқори талаб қўйилиши керак.

Бу, биринчи навбатда, янги яратилган электрон дарсликларга, шунингдек, ўқув мақсадларида фойдаланиладиган ахборот базалари ва билимлар банкларига, маълумотнома ва эксперт тизимларига тааллуқлидир. Уларда тақдим этилган маълумотлар, босма нашрдан фарқли ўлароқ, бутунлай бошқача ташкилий тузилишга эга бўлиши керак. Бу компьютер экранида ахборотни қабул қилишнинг психофизик хусусиятлари ва унга кириш технологияси билан боғлиқ.

Таълим маълумотлари фақат бир ёки бир нечта жойда тўпланмаслиги керак. Унинг тақсимланиши орол характериға эга бўлиши керак, шунда телекоммуникация каналлари юқини сезиларли даражада оширмасдан, ҳар қандай узоқ жойлардан талабаларнинг унга максимал даражада киришини таъминлайди. Бундай ахборот ороллари (марказлари) етакчи олий таълим муассасалари негизида яратилган йирик кутубхоналар ва илмий-таълим марказлари бўлиши мумкин.

Таълим технологиялари — бу ўқув маълумотларини манбадан истеъмолчиға ўтказиш учун ишлатиладиган ва уни тақдим этиш шаклиға боғлиқ бўлган дидактик усуллар мажмуасидир.

Таълим технологияларининг ўзига хос хусусияти уларнинг техник воситаларға нисбатан ривожланишининг тезкорлиғидадир. Гап шундаки, таълимға компьютернинг жорий этилиши ўқув жараёнининг барча таркибий қисмларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. "ўқувчи - компьютер - ўқитувчи" интерфаол муҳитида асосий эътибор ўнг ярим шарни, синтетик фикрлашни фаоллаштирадиган технологиялардан фойдаланиш орқали образли

фикрлашни фаоллаштиришга қаратилиши лозим. Демакки, ўқув материалининг тақдимоти ўқитувчининг фикрини образли шаклда акс эттириши керак. Бошқача қилиб айтганда, МТ технологияларида асосий фикр, маълумот, билимнинг визуаллашишидир.

Масофавий таълимда фойдаланиш учун энг мос бўлган таълим технологияларига қуйидагилар киради:

- видео маърузалар;
- мултимедиа маърузалари ва лаборатория машғулоти; электрон мултимедиа дарсликлари; компьютер ўқитиш ва тест тизимлари;
- имитация моделлари ва компьютер машқлари;
- телекоммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда консултация ва тестлар; видеоконференция.

Ахборот технологиялари – ўқув маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш, уни ўқувчига етказиш, ўқувчининг ўқитувчи ёки педагогик дастурий восита билан интерфаол муносабатда бўлишини, шунингдек, ўқувчи билимини текширишни таъминловчи ҳисоблаш техникасидан фойдаланишга асосланган ускунавий-дастурий воситалардир.

Таълим жараёнида ахборот технологияларининг ўзи эмас, балки ундан фойдаланишнинг таълимнинг долзарб мақсадларига эришишга қанчалик хизмат қилиши муҳим аҳамиятга эга. Алоқа воситаларини танлаш технология эмас, балки мазмун билан белгиланиши керак. Яъни технологияларни танлаш ўқув курсларининг мазмунини, тингловчиларнинг талаб қилинадиган фаоллик даражасини, уларнинг таълим жараёнига жалб қилишини, аниқ мақсадлари ва кутилаётган ўқув натижаларини ва бошқаларни ўрганишга асосланган бўлиши керак. Таълим натижаси алоқа ва ахборот технологиялари турига боғлиқ эмас, балки курсларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш сифатига боғлиқ.

Технологияларни танлашда баъзи технологияларнинг ўқувчилар ҳамда муайян фан йўналишларининг ўзига хос хусусиятларига, ўқув вазифалари ва машқларнинг асосий турларига мослигини ҳисобга олиш керак.

Масофавий таълимда телекоммуникация технологияларининг асосий вазифаси ўқув мулоқотини таъминлашдан иборат. Қайта алоқасиз, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги доимий мулоқотсиз таълимни ташкил этиб бўлмайди. Таълим (Мустақил таълимдан фарқли ўлароқ) мулоқот жараёнидир. Кундузги таълимда мулоқот

қилиш имконияти ўқув жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос шакли, ўқитувчи ва талабанинг бир вақтнинг ўзида бир жойда бўлиши билан белгиланади. Масофавий таълимда мулоқот телекоммуникацион технологиялар ёрдамида ташкил этилади.

МТ технологияларини маҳаллий ва тармоқлига ажратиш мумкин. Ўз навбатида тармоқли синхрон (онлайн) ва асинхронга (офлайн) бўлинади (8 расм).

| Локал                                                                             | Тармоқ                                                |
|-----------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------|
|  | Офф-лайн Э-маил<br>Телеконференциялар                 |
| Мультимедиа курси<br>Китоблар<br><br>Аудио- ва видеокассеталар                    | Он-лайн Талк Чат<br>Аудио- ва видео<br>Конференциялар |

Коммуникациянинг синхрон (онлайн) воситаларидан фойдаланганда ўқитувчи ва ўқувчи бир вақтда алоқага киришади (жараён реал вақтда боради). Ушбу шакл анъанавий шаклга яқинроқ, айниқса ўқув жараёни иштирокчилари визуаллашган шаклда бўлса (масалан, Скайп орқали). Бунда суҳбатдошнинг жонли реакцияларини кўриш, сўзлаш оҳангини эшитиш ва бошқаларни кўриш мумкин, бу эса иштирокчиларнинг бир-бирини тушунишга ёрдам беради<sup>24</sup>.

Синхрон МТнинг асинхрон МТдан устунлиги шундаки, ҳар қандай МТнинг асосий камчилиги бўлган ўқувчининг ижтимоий депривация асинхрон воситаларга қараганда синхрон воситалардан фойдаланганда камроқ даражада намоён бўлади<sup>25</sup>.

Бироқ синхрон шакл юқори даражада ривожланган нутқ, фикрлаш, диққат, ўқувчиларнинг юқори тезликдаги жавобини, яъни маълум ривожланиш нуқсонлари бўлган одамлар кўпинча эга бўлмаган сифатларни талаб қилади<sup>26</sup>.

Бундан ташқари, Россия шароитида ҳар хил ҳудудлардаги вақт фарқлари туфайли синхрон шаклдан фойдаланиш ҳар доим ҳам

<sup>24</sup> Дистанционное образование: педагогу о школьниках с ограниченными возможностями здоровья / Под ред. И.Ю. Левченко, И.В. Евтушенко, И.А. Никольской. — Национальный книжный центр, 2013.

<sup>25</sup> Ўша манба.

<sup>26</sup> Ўша манба.

мумкин эмас, чунки МТнинг бу шакли бир вақтнинг ўзида барча иштирокчиларни таълим жараёнига киритишни талаб қилади<sup>27</sup>.

Синхрон иштирок қуйидаги энг кенг тарқалган технологияларда кўзда тутилади:

чат — фойдаланувчиларнинг жойлашувидан қатъи назар, реал вақт режимида матнли хабарлар ёрдамида муҳокамани ташкил қилиш имконини беради;

аудиоконференция — бир нечта иштирокчиларга реал вақтда оғзаки тил ёрдамида мулоқот қилиш имконини беради. Ушбу шакл кўриш анализаторини фаоллаштирмайди ва фойдаланувчиларнинг яхши эшитишини ва нутқини талаб қилади;

видеоконференция — бир нечта фойдаланувчига реал вақт режимида ўзаро мулоқот қилиш имконини беради. Бу шакл анъанавий таълим шаклига жуда яқин. Бундан ташқари, нутқни ёзувга ўтказадиган дастурий воситалар мавжуд бўлиб, улар эшитиш қобилияти заиф одамларни ушбу жараёнга жалб қилиш имконини беради<sup>28</sup>. Шунингдек, имо-ишора тилида маълумот узатиш ҳам мумкин. Бироқ, бошқа барча ҳолатларда бўлгани каби, эшитиш қобилияти бузилган шахсларнинг хусусиятларини ва ўзига хос эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва таълим шакллари (анъанавий, масофавий, аралаш) танлашда мувозанатли ёндашув зарур (масалан, лабдан ўқиш кўникмасини шакллантириш, эшитиш орқали орқали қабул қилишни ривожлантириш, эшитишни назорат қилишда ва б.).

Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро алоқанинг асинхрон (офф-лине) усули талабаларга дарс вақтини ўзлари белгилаш имкониятини беради. Ушбу шакл ёрдамида ўқув материалларига индивидуал суръатда кўп марта мурожаат қилиш мумкин; ахборотни идрок этиш ва қайта ишлаш тезлиги муҳим эмас; юзага келган ҳар қандай саволларни телефон орқали (оғзаки) ёки электрон почта орқали (ёзма) бериш мумкин.

Офлайн технологияларнинг асосий техник афзаллиги шундаки, улар компьютер ресурслари ва алоқа линиясининг ўтказиш қобилиятига камроқ талабчан. Улардан ҳатто коммутацион линиялари орқали Интернетга уланганда ҳам фойдаланиш мумкин (доимий уланиш бўлмаса).

---

<sup>27</sup> Ўша манба.

<sup>28</sup> Ўша манба.

Офлайн технологияларнинг муҳим афзаллиги электрон почта ва телеконференциялар билан ишлаш учун дастурий таъминотнинг катта танловидир. Замонавий почта дастурлари хабарларни гиперматн форматида жўнатиш имконини беради (яъни гиперҳаволалар билан, матн бўлақларининг шрифт ва ранглари ажратиб кўрсатиш, график тасвирларни киритиш ва ҳ.к.). Бундан ташқари, хатга исталган форматдаги файл, масалан, MS Word форматидаги ҳужжатни бириктириш имкониятини беради. Оффлайн технологияларнинг самарадорлиги ўқитувчи томонидан жорий консультациялар ҳамда "қўлда" текшириладиган назорат ва мустақил ишларга асосланган доимий назоратни ташкил этишда намоён бўлади.

Қайд этилган сифатлар МТнинг онлайн усули ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг аксарият тоифалари учун мақбулдир. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, биринчидан, бунда асосан ёзма нутқдан фойдаланилади, иккинчидан, фойдаланувчи МТ жараёнининг бошқа иштирокчилари билан тўғридан-тўғри бевосита алоқага киришмайди, бу эса ўқувчининг ижтимоий изоляциясини кучайтиради.

Ушбу турдаги технологияларга электрон почта, жўнатмалар рўйхати, телеконференция ва бошқалар киради. Рўйхат сервери ёрдамида ўқув маълумотларини бирданига бир неча кишига жўнатиш мумкин, электрон почта орқали шахсий алоқа ўрнатилади, телеконференция эса курснинг мураккаб саволларини жамоавий муҳокама қилиш имконини беради. Ушбу технологиялар Интернетга уланган турли компьютерлар ўртасида хабар алмашиш имконини беради.

Масофавий таълим технологиялари асосида олиб бориладиган ўқув жараёни мажбурий аудитория машғулотларини ҳам, талабаларнинг мустақил ишларини ҳам ўз ичига олади. Ўқитувчининг ўқув жараёнидаги иштироки нафақат аудитория машғулотларини ўтказиш билан, балки жорий ва оралиқ назоратни ташкил этиш, тармоқдаги дарслар ва консультациялар ўтказиш орқали талабаларнинг ўқув-когнитив фаолиятини доимий қўллаб-қувватлаш зарурати билан белгиланади.

Қўшма таълим дастурларини ташкил этишда масофавий таълимнинг тармоқ технологиялари алоҳида аҳамиятга эга, чунки айнан улар таълим ресурслари ва кадрлар салоҳиятини тақсимлаш тамойилини тўлиқ амалга оширишга имкон беради.

## **2.7. Махсус таълимда масофавий ўқитиш технологияларини танлаш омиллари**

Махсус таълимда масофавий ўқитиш технологияси (таълим жараёни) — бу замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб таълим жараёнини таъминлайдиган ўқитиш жараёнларини бошқаришнинг усул ва воситалари мажмуи.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун масофавий ўқитишни амалга оширишда ахборот технологиялари қуйидагиларни таъминлаши керак:

- ўрганилаётган материалнинг асосий қисмини тингловчиларга етказиб бериш; ўқув жараёнида ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг интерфаол ўзаро таъсири;

- ногиронлиги бўлган шахсларга ўрганилаётган материални ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш имкониятини бериш;

- ўқувчилар ўқув жараёнида эгаллаган билим ва кўникмаларни баҳолаш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги ахборот технологияларидан фойдаланилади:

- дарсликлар ва бошқа босма материаллар билан таъминлаш;
- компьютер телекоммуникациялари бўйича ўрганилган материалларни юбориш; компьютер телекоммуникацияси орқали ўтказиладиган мунозаралар ва семинарлар;

- видеотасмалар;

- ўқув дастурларини миллий ва ҳудудий телевизион ва радиоканаллар орқали эфирга узатиш; кабел телевидениеси; овозли почта;

- икки томонлама видеоконференциялар;

- телефон орқали бир томонлама видеотрансляция; электрон (компютер) таълим ресурслари.

Масофадан ўқитиш тизимининг ажралмас қисми бу ўз-ўзини ўқитишдир. Ўз-ўзини ўқитиш жараёнида талаба материални босма нашрлар, видео пленкалар, электрон дарсликлар ва СД-РОМ-дарсликлар ва маълумотномалар ёрдамида ўрганиши мумкин. Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган ўқувчи катта ҳажмдаги маълумотларни ўз ичига олган электрон кутубхоналар ва маълумотлар базаларига кириш имконига эга бўлиши керак.

Компютердан кундалик фойдаланиш аллақачон одатий ҳолга айланган бўлса-да, доимий такомиллаштирилиб боровчи дастурлар таълим имкониятларини сезиларли даражада оширади.

Қуйидаги жараёнлар инновацион технологияларни сезиларли даражада соддалаштиради:

- керакли ахборотни олиш ва билим даражасини ошириш;
- маълумотномалар ва электрон кутубхоналар ёрдамида маълумотларни тизимлаштириш;
- турли кўникма ва малакаларни ривожлантириш, масофавий лаборатория тажрибаларини ўтказиш;
- ахборотни визуаллаштириш ва намоёниш қилиш (масалан, такдимотлар орқали);
- мураккаб ҳисоб-китобларни бажариш ва доимий операцияларни автоматлаштириш;
- объектлар ва вазиятларни ўрганиш мақсадида уларни моделлаштириш;
- бир-биридан узоқ масофада жойлашган бир неча фойдаланувчи ўртасида маълумот алмашиш.

Масофавий таълим — ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда исталган вақтда ва жойда ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган таълим тури.

Шу билан бирга, масофадан ўқитиш яна кўплаб афзалликларга эга:

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзини намоён қилишлари учун янада қулай шароитлар;
- мослашувчанлик — соғлиғида муаммо бўлган, чекка ҳудудларда яшовчи ва бошқалар ҳам таълим олиши мумкин.
- ўқувчининг таълим олиш, мақсадларни белгилаш, дарсларнинг шакллари ва интенсивлигини танлашда фаол иштироки;
- ҳатто дунёнинг нариги бурчагида бўлган профессионаллар, юқори даражали мутахассислар, ўқитувчилар ва синфдошлар билан мулоқот қилиш имконияти (гуруҳли лойиҳалар, онлайн мунозаралар); иқтисодий фойда.

Ўқув жараёнида нафақат мултимедиа, балки гипермедиадан фойдаланилади: электрон почта, телефон, телефакс, видео, аудиографика, телеконференциялар ва ҳ.к. Ўқувчига зарур бўлган ягона нарса бу шахсий компьютер ва Интернетга уланиш имкони.

Кенг тарқалган нотўғри тушунчаларга қарамай, масофавий таълим самараси одатий таълимдан кам эмас. Зеро, масофавий технологиялар таълим жараёни муваффақиятини, индивидуал ёндашув ва кенг имкониятлар билим ва кўникмаларни эгаллаш даражасини янада оширади.

Албатта, масофавий таълим ўқувчига кўпроқ масъулият юклайди, чунки ушбу жараёнда синфдаги каби қаттиқ назорат бўлмайди. Бироқ, тўғри ёндашув ҳамда юқори сифатли масофавий таълим дастури уйдан чиқмасдан тўлақонли таълим олиш имконини беради

Ҳозирги вақтда масофавий ўқитиш тизими таълимнинг турли соҳаларида фаол ривожланмоқда. Вақт етишмаслиги шароитида масофадан туриб ҳар қандай фан бўйича тўлақонли таълим олиш энди муаммо эмас. Аммо ҳар қандай таълим каби унинг ҳам ижобий ва салбий жиатлари мавжуд.

Кўплаб мутахассислар малака ошириш ёки қайта тайёргарликдан ўтиши зарур, аммо кундузги таълим режимида ўқиш учун етарли вақт йўқлиги туфайли масофавий ўқишга бўлган талаб ошиб бормоқда.

Масофавий таълим жараёнида қўлланиладиган технологиялар уч турга бўлинади:

| ҚОҒОЗЛИ ВА<br>АУДИО<br>МАЪЛУМОТЛАР<br>АСОСИДА ОЛИБ<br>БОРИЛАДИГАН<br>МАСОФАВИЙ<br>ТАЪЛИМ                                                                                                                                                                                                                                  | ТЕЛЕВИЗОР<br>ОРҚАЛИ ОЛИБ<br>БОРИЛАДИГАН<br>МАСОФАВИЙ<br>ТАЪЛИМ                   | ИНТЕРНЕТ<br>ТЕХНОЛОГИЯЛАР<br>ЁРДАМИДА ОЛИБ<br>БОРИЛАДИГАН<br>МАСОФАВИЙ<br>ТАЪЛИМ                                                                                                                                           |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Унга аудио ва видеокассеталар, ўқув-услубий қўлланмалар ва бошқалар. Одатда, таълимнинг ушбу шаклида ногиронлиги бўлган бола билан ўқитувчи ишлайди, унга почта орқали борилган ишларни текширади, телефон орқали маслаҳат беради ва саволларга жавоб беради. Баъзида машғулотлар махсус ўқув марказларида олиб борилади. | Телевизион спутник технологияси. Қимматлиги ва мураккаблиги сабаб талабгир эмас. | Интернет-таълим талабгир ва Интернетнинг ҳаётимизга тобора чуқур кириб келиши давомида боргна сари долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Ушбу технология юқорида тилга олинган шаклларнинг турли жиҳатларини ўз ичига олган. |

Масофавий таълимнинг бошқа таълим шаклларидаан афзалликлари.

Масофавий таълим ногиронлиги бўлган ўқувчилар учун қатор афзалликларга эга:

- масофавий таълим ўқувчининг эҳтиёжлари ва шахсий хусусиятларига қараб ўз ҳаёт тарзига мувофиқ ўқишга имкон беради; ногиронлиги бўлган бола қайси ҳудудда яшашидан қатъи назар, ўқув муассасасини танлашда чекланмаслик имконини беради;

- масофавий таълим жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланилади, бу эса келажакда ишда ва кундалик ҳаётда фойдали бўлган кўникмаларни эгаллаш имконини беради;

- ота-оналар ва ногиронлиги бўлган ўқувчилар ўқув графигини, дарс жадвалини, шунингдек ўрганиладиган фанлар рўйхатини мустақил равишда тузатиш ва тузиш имкониятига эга;

- таълим энг қулай ва таниш муҳитда ўтказилади, бу эса самарали ўқишга ёрдам беради.

Масофавий ўқитишнинг афзалликлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам бор:

- масофавий ўқитишнинг салбий жиҳатларидан бири бу ўқитувчи билан, шунингдек, бошқа болалар билан шахсий мулоқотнинг йўқлигидир, аммо бу электрон почта, телефон, видеоконференсалоқа дастурлари ва бошқалардан фойдаланиш имкониятлари билан қисман қопланади.

- ўқувчига ўқитувчи назоратсиз самарали ўқиш учун юқори мотивациянинг зарурлиги;

- техник жиҳат - ўқувчиларда доим ҳам зарур техник жиҳозлар: компьютер ёки Интернетга уланиш имкони бўлмаслиги мумкин.

Шунга қарамай, масофавий таълим ўзини ҳар томонлама оқлайди ва ногиронлиги бўлган болалар учун таълим олишнинг энг мақбул усули сифатида катта истикболга эга.

### **III. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН КОРРЕКЦИОН- ПЕДАГОГИК ИШ МАЗМУНИ**

#### **3.1. Тифлопедагогикада ахборот технологияларини қўллаш**

Махсус эҳтиёжли ўқувчиларни ўқитиш учун шарт-шароитлар яратиш, чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, хусусан, ахборот технологиялари инфратузилмасини таъминлаш, ўқув жараёнига ахборот -коммуникация технологияларини (АКТ) ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда махсус таълимда АКТни қўллаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш орқали амалга оширилиши мумкин. АКТдан фойдаланиш махсус таълим ўқувчилари ва ўқитувчиларининг имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради. Психожисмоний ривожланишида нуқсонлари (ПЖРН) бўлган шахслар учун АКТни жорий этиш қуйидагиларни амалга оширишга имкон беради:

- ахборотни мослаштирилган, энг қулай шаклда олиш; алоқа ва ўзаро таъсир жараёнини амалга ошириш, ривожланишининг оғир ва кўп сонли бузилиши бўлган баъзи болалар учун АКТ - ташқи дунё билан ўзаро алоқани таъминлашга ёрдам берувчи ягона ва ўзига хос восита;

- ўқишга бўлган мотивацияни ошириш орқали фаолият шаклини ўзгартириш, янада самарали мустақил ишлаш, ижодкорлик, турли касбий билим ва кўникмаларни эгаллаш ва мустаҳкамлаш учун мутлақо янги шарт-шароитларни яратиш.

АКТнинг жорий этилиши махсус таълим тизими ўқитувчисига ўқув муҳитини лойиҳалаш учун кенг имкониятлар беради (таълимнинг бутунлай янги усуллари ва шакллари жорий этиш; ўқув жараёнини ташкил қилишда янги ёндашувлардан фойдаланиш). Ахборот-коммуникация технологиялари – бу махсус таълимда қўлланилиш соҳаси жуда хилма-хил бўлган замонавий ускунавий-техник воситалар ва дастурий воситалар мажмуасидир. Улардан фойдаланишнинг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Психожисмоний ривожланишдаги бузилишларни олдини олиш ва компенсация қилиш; коммуникация; таълим ва тарбия.

АКТ айниқса кўриш қобилиятида бузилиш бўлган шахсларни ўқитишда фаол қўлланилади. Бу соҳада узоқ вақтдан буён турли

хил ускунавий-техник, дастурий воситалар муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Ўқув-тарбия жараёнида брайл чизигили тактил дисплейлар, брайл принтерлари, матнларни ўқиш учун телевизион катталаштириш тизимлари каби ускунавий-техник воситалар қўлланилади.

Нутқ синтези технологияларига асосланган қуйидаги ихтисослаштирилган дастурлардан фойдаланилади:

экранни ўқиш дастурлари, масалан, Американинг Freedom Scientific компанияси томонидан яратилган ва Россиянинг ЕлесГесте компанияси томонидан руслаштирилган JAWS дастури;

Германиянинг Баум компанияси томонидан ишлаб чиқилган ва кўзи ожиз ўқувчиларга текис босма матнлар билан ишлаш имконини берувчи “Китобсевар” дастури;

Беларусиянинг "Сакрамент ИТ" ва "Инво-сервис" МЧЖ компаниялари томонидан Беларус Республикаси Фанлар академиясининг Бирлашган информатика муаммолари институти билан ҳамкорликда яратилган электрон матнларни ўқиш дастурлари;

Экранни катталаштириш дастури, масалан, Германиянинг Баум компаниясининг Вирго дастури.

Кўриш қобилиятида бузилиши бўлган болалар учун телевизион ва электрон катталаштирувчи қурилмалар, Брайл дисплейи, Digital Book Reader электрон китоби, замонавий телескопик ва ултратовушли таёқлар, рельеф чизиш ва чизмачилик мосламасидан фойдаланиш мумкин.

Кўришда нуқсони бўлган болалар билан ишлаш жараёнида психожисмоний ривожланиш бузилишларининг олдини олиш ва тузатишни таъминлайдиган компьютер дастурлари, масалан, кўз чарчасини йўқотиш, кўриш орқали идрок қилишни ривожлантириш ва маконда мўлжал олиш усуллари шакллантириш дастурлари қўлланилади. Асосан, ушбу турдаги АКТ маҳсулотлари Россия томонидан ишлаб чиқарилади. Белоруссия давлат педагогика университети “Тифлопедагогика” кафедраси ўқитувчилари иштирокида кўришда нуқсони бўлган мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг маконда мўлжал олиши ва визуал идрокини ривожлантириш учун компьютер дастурлари цикли яратилмоқда. Ушбу АКТдан фойдаланиш визуал объектнинг шакли, ўлчами, чизиқлари ва рангини идрок этишнинг мураккаблиги ёки имконсизлиги билан боғлиқ қийинчиликларни қоплаш имконини беради3.

Кўришда нуқсони бўлган болаларни ўқитишнинг асосий вазифаси - бузилган ва ривожланмаган кўриш функцияларини тузатиш ва компенсация қилиш, уларда атрофдаги дунё ҳақида тасаввурни шакллантириш ва пировардида оддий ҳаётга мослаштиришдир. Шундай экан, кўзи ожизлар ва заиф кўрувчилар билан ишлашда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг иккита асосий йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин: бир томондан, улар ўқитиш, ривожлантириш ва тузатиш воситаси бўлса, иккинчидан, улар кўриш қобилияти бузилган одамларнинг ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини ривожлантириш воситаларидир.

Ахборот-коммуникация технологияларидан кўриш қобилияти бузилган болаларни ўқитиш воситаси сифатида фойдаланиш қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга имкон беради: кўп сенсорли идрокни таъминлаш. Кўриш нуқсонлари сабаб ташқи дунёни чекланган кўриш қобилияти кўриш бузилган болаларда тафаккур ва хотира ривожланишининг иккиламчи кечикишига олиб келиши мумкин. Слайдли такдимотлардан фойдаланиш болаларнинг атрофдаги дунё ҳақидаги тасаввурларини сезиларли даражада кенгайтиришга имкон беради, уларнинг мазмунли фаоллигини оширишга ёрдам беради).

Турли объектларни бир неча баробар катталаштириб кўрсатиш.

Мултимедиа проектори ва проекцион экрандан фойдаланиш объектлар тасвирларини бир неча баробар катталаштириш имконини беради, бу айниқса турли даражадаги миёпия, глаукома, гиперметропия ва гиперметропик астигматизм билан оғриган болалар билан ишлашда муҳимдир.

Ахборот миқдори компенсацияси. Ўзида аудио, видео ва анимация объектларини бирлаштирган такдимотлардан фойдаланиш ўқув адабиётларидан олинган маълумотлар миқдорини комсенсациялаш имконини беради ва бу билан кўриш юки миқдорини сезиларли даражада камайтиради. Бу эса маълумот юкини 40 фоизга камайтиришга муҳтож бўлган оптик асаб атрофияси бўлган болаларни ўқитишда муҳим аҳамиятга эга.

Материални такдим этишда ҳиссий компонентни ошириш. Мултимедиа технологиялари материални идрок этишда ижобий ҳиссий фонни яратиш учун кенг имкониятларни очиб беради, бу эса уни ўзлаштиришни сезиларли даражада осонлаштиришга ва ўқувчиларнинг чарчоқларини камайтиришга имкон беради.

Боланинг кўриш функциялари, кўз имкониятларини фаоллаштириш. Компютер технологияларидан фойдаланиш бир вақтнинг ўзида инсон идрокининг иккита энг муҳим органига: эшитиш ва кўришга таъсир қилиш имконини беради ва шу билан идрок самарадорлигини сезиларли даражада оширади.

Тадқиқотчилик фаолияти кўникмаларини шакллантириш.

Турли ахборот ресурслари, жумладан, маълумотнома тизимлари, электрон кутубхоналар ва бошқаларга кириш имконини таъминлаш.

Кўриш нуқсони бўлган болалар билан коррекцион-ўқув ишларни олиб боришда турли ахборот компютер технологияларидан фойдаланилади. Улардан энг кенг тарқалганлари қуйидагилардир:

- педагоглар томонидан ишлаб чиқилган аудиоқўлланмалар;
- мультимедиавий тақдимотлар;
- ўқитиш учун индивидуал карточкалар;
- тайёр электрон ўқув материаллари.

Аудиоматериал кўзи ожиз, заиф кўрувчи ва қисман кўрувчи болалар таълим тизимида алоҳида ўрин тутди. Тузатиш жараёнида турли хил аудиоқўлланмалардан (турли товушлар, асарлар аудиоёзувлари тўпланмаси) фойдаланиш болаларда идрокнинг сақланиб қолган турлари, шу жумладан эшитишга асосланган компенсация механизмларини фаоллаштиришга ёрдам беради. Овозли воситалардан синфда, коррекция ва ривожлантирувчи дарсларда ва синфдан ташқари машғулотларда ҳам гуруҳ, ҳам индивидуал таълим шакллари ташкил этишда фойдаланиш мумкин. Масалан, кўриш қобилиятини ҳимоя қилиш ва визуал идрокни ривожлантириш бўйича коррекция машғулотларида, тасаввурни аниқлаштиришда болалар табиат товушлари, ҳайвонларнинг овози ва маиший шовқинларининг аудио ёзувларини тинглашади. Буларнинг бари ёрқин илмий образни ташкил этиб, асосий тушунчалар устида ишлашга ёрдам беради, мазмунли фаолиятли фаоллаштиради.

Тақдимотларни яратишда қуйидаги тифлопедагогик тавсияларни ҳисобга олиш лозим:

— Кўзни чарчатмаслик учун слайд фони нейтрал рангларда бўлиши (оч кулранг, оч кўк, оч яшил, оч пушти, сарғиш яшил, оч жигарранг ҳамда оқ ёки сомонранг).

— Фонда тасвирларнинг бўлмаслиги (ҳар қандай тасвири фон ўқувчининг кўзини чарчатади ва материални тушуниш самарадорлигини пасайтиради).

— Визуал идрок этишни осонлаштирадиган ранглардан фойдаланиш (яшил, сариқ, жигарранг, оловранг). Битта слайдда учтадан кўп бўлмаган рангдан фойдаланиш тавсия этилади: бири фон учун, бири сарлавҳа учун, бири матн учун.

— Қиррали шрифтдан фойдаланиш (курсив тафсия этилмайди), икки хилдан ортиқ бўлмаган шрифт ўлчамидан фойдаланиш.

— Контрастлик (фон иккинчи план элементи бўлиб, у слайддаги маълумотларни ажратиб кўрсатиши, соя бериши, урғу бериши керак, лекин уни тўсиб қўймаслиги керак).

— Расмлар реалистик, кераксиз деталлар ва чизиқлардан ҳоли бўлиши керак. Шу билан бирга, улар дарсда ўрганилаётган нарсга ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини аниқ ажратиб кўрсатишлари керак. Ёрдамчи чизма слайднинг 1/8 - 1/4 қисмини эгаллаши керак. Агар расм ўрганиш объекти сифатида слайдга жойлаштирилган бўлса, уни бутун майдонга жойлаштириш мумкин. Оғзаки тушунтиришда яна ўқувчилар эътиборини қаратиш мумкин бўлган кичик деталлар яхши кўринади. Расмни кераксиз элементларни олиб ташлаш, ёрқинлик ва контрастни созлаш орқали қайта ишлаш керак.

— Анимациянинг ўртача фаоллиги. Учиб чиқиш, айланиш, тўлқин, матннинг ҳарфма-ҳарф пайдо бўлиши ва шу каби эффектлардан фойдаланмаган маъқул.

— муҳим бўлмаган товушлардан (қўшиқлар, мусиқа) фон жўрлиги сифатида фойдаланишни чеклаш, чунки уларнинг тақдимотга киритилиши ўқувчиларнинг тез чарчашига ва диққатни чалғитишга олиб келади.

— СанПин стандартларига мувофиқлиги: узлуксиз кўриш давомийлиги 1-синфлар учун - 8 дақиқадан, 2-4 синфлар учун - 10 - 12 дақиқадан ошмаслиги керак.

Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи мактаб ўқувчилари билан ишлашда анъанавий ахборот-компютер воситаларидан ташқари, махсус дастурий ва техник воситалар қўлланилади. Ушбу воситалар визуал маълумотни бошқа турдаги маълумотларига айлантириш орқали кўзи ожиз одамларга ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини беради. Ўзгартирилган ахборотнинг модаллигига кўра, махсус воситалар нутқий (визуал ахборот аудиога ўтказилганда) ва Брайлга бўлинади (визуал маълумот тактилга айлантирилганда). Экранда кўрсатилган визуал маълумотларни

нутқ синтезатори ёки тактил дисплейда кўрсатиладиган хабарларга айлантирувчи дастур экранни ўқувчи (screen reader) деб аталади.

